

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва урта махсус таълим
Вазирлиги**

Кулон Давлат Педагогика институти

**«Тарих» йуналиши буйича
«Тарихий улкашунослик» фанидан**

Маърузалар матни

Кулон-2011

Ажратилган соат:	соат
Жумладан	
Маъруза:	соат
Амалий машгулот:	соат
Мустақил таълим:	соат

Мавзу 1-2: Тарихий улкашунослик курсининг предмети. Тарих улкашуносликнинг вужудга келиши ва ривожланиши.

Режа:

- 1. Кириш.**
- 2. Улкашунослик турлари.**
- 3. Улкашуносликнинг ривожланиш тарихи.**

Тарихий улкашуносликнинг махсус курс сифатида олий укув юртлари тарих факультетларига махсус курс сифатида киритилиши бу фанга эътиборининг кучайиб бораётганидан далолат беради.

Жамият курилишининг hozirgi bosqichida tarixiy ulkashunoslikning roli va ahamiyati bekiёs oshib bormoqda. Ўзбекистон фукароларининг ахлокий ва эстетик тарбиялаш, уларнинг маданий савиясини ошириш учун маънавий бойликларини купайтириш ва улардан кенг фойдаланиш хакида гамхурлик килиш бурчилигига улка тарихи ва унга муносабатидан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам Ўзбекистон фукароларининг Ўзбекистон худудида жойлашган маданий ёдгор-ликларга эhtiёткорлик билан муносабатда булиш, асраб авайлаш-лари таъкидлаб утилган. Улкашунослик курси куп миллатли Ўзбе-кистон тарихини, унинг маданият ёдгорликларини урганишнинг энг мухим воситаларидан биридир.

Улкашуносликнинг асосий манбалари:

1. Тарихий ёдгорликлар,
2. Археологик ёдгорликлар,
3. Этнографик ёдгорликлар,
4. Топонимик ва архив хужжатлари,
5. Музей материалларига таяниб иш куради.

Ўзбекистон халклари тарихий ва маданий ёдгорликлари жахон маданий меъросининг таркибий кисми булиб, мамлакатимиз халкла-рининг жахон цивилизациясининг ривожланишига хисса кушганли-гидан далолат беради. Мана шундай тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларнинг хар томонлама чукур : илмий ва амалий жихатдан урганадиган фан- бу улкашуносликдир.

Улкашунослик деганда илмий улкашунослик , жамоат улкашу-нослиги, ва мактаб улкашунослиги тушунилади.

1. Илмий, яъни давлат улкашунослиги бевосита давлат илмий ташкилотлари, илмий тадқиқот институтлари, Республика тарих ва маданият ёдгорликларини мухофаза килиш ва ундан фойдаланиш, регионал, махсус музейлар, Республика Фанлар академияси коши-даги тарих, археология илмий тадқиқот институтлари, илмий ходим-лари томонидан республика ва вилоятнинг улкашунослик музей-ларида екпозиция сифатида намойиш килинади.

2. Жамоат улкашунослиги халк депутатлари, ижроия кумита-ларининг бевосита рахбарлигида тегишли жойдаги археологик, этно-график, топонимик ва архив хужжатлари мутахассислари ёрдамида урганилади.

3. Мактаб улкашунослиги эса манбаларда тарих ва жамиятшу-нослик уқитувчиларининг бевосита рахбарлигида ташкил килинади.

Мактаб улкашунослиги мактабни, яъни таълим-тарбияни тур-муш билан, ишлаб чиқариш билан узвий боглашдаги энг мухим во-ситаларидан биридир. Уқитиш жараёнида укув материалларидан уринли фойдаланиш укувчиларнинг уз улкасининг тарихини билиб олишга, мустакил ижод килишга булган кизикишини орттиради ва келгуси хаёт йулини танлаб олишга ёрдам беради.

Мактаб улкашунослик предметлараро алокани мустахкам-лайди. Мактаб улкашунослиги укувчиларда уз ватанига булган чексиз меър-мухаббат уйғотиш билан бирга уларни эстетик рухда тарбиялашга ҳам муносиб хиссасини кушади. Улкашунослик фани ривожланиши тарихида машаккатли ва шонли йулни босиб утди. XIX- асрнинг урталарида Бухоро сарой тарихчиси Мухаммад Ёкуб ёзган “Тулшан ул-мулк” номли уша асари давр тарихий манба-лардан бири хисобланади. Бу асар тожик тилида ёзилган булиб, унда кадимги вақтдан то XIX-асрнинг 30-йилларигача булган Бухоро амирлигидаги сиёсий воқеалар тарихи берилади.

Яна шу даврда тожик тилида ёзилган иккинчи манба Бухоро сарой тарихчиси Мухаммад Мир Олимнинг “*Тарихи амир Насрулло*” номли асаридир. Бу асар Бухоро амири Насруллонинг топшириги билан ёзилган. Асар XVIII-асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигида юз берган сиёсий курашларни, ички ва ташки воқеликларни тасвирлаш билан богланиб, амир Насруллонинг хоқимиятга келиши уни дастлабки йиллардаги давлатни бошқариш-да тутган сиёсат билан тугайди.

Мулла Ибодулла ва Мулла Шарифлар томонидан тожик тилида яратилган *“Тарихи амир Хайдар”* номли кул ёзмадир. Асарда аштархонийлар билан мангитлар сулоласи тарихи, Амир Хайдар-нинг отаси шох Муроднинг туғилишидан бошлаб то Амир Хайдарнинг улими (1826) гача Бухоро амирлигида бўлиб ўтган сиёсий-социал-иқтисодий ҳаракатларга ҳам тўхталиб ўтилган. Шу билан асарда 1820 йилда А.Ф.Негри бошлик Россиядан Бухорога юборилган дипломатик миссия ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

Мухаммад Шарифнинг худди уша даврни акс эттирувчи *“Тожи таворих”* (Тарихлар тожи) номли асари майдонга келади. Асарда мангитлар, Чингизхон унинг авлодлари, шайбонийлар, аш-тархонийлар сулоласининг тарихи берилади.

XIX асрнинг 40 йилларида яратилган асарлардан бири Мухаммад Хотимхон *“Мунтахабад таворих”* номли асаридир. Асарда XVIII асрнинг 70 йилларидан то Кукон хони Умархоннинг вафоти (1822) ундандан сунг тахтга ўтирган Мадалихонгача бўлган даврдаги Кукон хонлиги тарихига доир сиёсий воқеалар тасвирланган.

Кукон хонлигига тарихига оид манбалардан яна бир мулла Аваз Мухаммаднинг тожик тилида ёзилган *“Тарих жахоннома”* асари бўлиб, у ўз кузи билан курганларининг баёни ҳаУзРМДА тарихий манбалар асосида ёзилган икки китоб ва географик қўшимчадан иборат.

Кукон хонлиги тарихчилигида Мулла Нияз Мухаммаднинг *“Тарихи Шохрухи”* деган асари ҳам диққатга сазовордир. Муаллиф-нинг бу асари Кукон хонлигининг XVIII ва XIX асрнинг 70 йилларигача бўлган тарихига оид муҳим маълумотларга эга бўлиб ва шу даврни урганувчи тадқиқотчилар учун жуда қимматлидир.

XIX асрнинг 1-ярмида Хива хонлигида ёзилган тарихий манбалардан энг муҳими Мунис, Огаҳий асари ҳисобланади. Мунис Ўлтузарнинг топишириги билан ўзини *“Фирдавсул иқбол”* номли машҳур тарихий асарини ёзди. Мирхонднинг машҳур асари *“Равзат ус сафо”*ни форс тилидан ўзбек тилига ўгириш топирилади. Мунис бу китобнинг биринчи қисмини тамомлаб, иккинчисини ёзаётган вақтида тусатдан вафот этади. Мухаммад Ризо Огаҳий Хива хони Оллоқулихон топишириги билан бу асарни давом эттириб, 1827 йилгача бўлган воқеаларнинг ёзади.

Огаҳий бу асарни тугатгандан сунг ўзининг қуйидаги асарини ёзади: *“Риёзуд давлат”* 1826-42 йиллардаги воқеаларни, *“Зубдат ум-таворих”* 1842-45 йиллардаги тарихий воқеаларни, *“Гулишани-давла”* 1856-65 йиллардаги воқеаларни ўз ичига олади. Огаҳий *“Шоҳиди иқбол”* номли бешинчи асарини Хива хони Мухаммад Раҳим II даврига бағишлайди.

Ўлкани урганишда статистик комитетлар ҳам муҳим рол ўйнайди. 1868 йил январиди Туркистон статистика комитети тузилди. Комитетининг ташаббуси билан 1872 йил 1-январдан бошлаб Сир-дарё (Тошкентда), Самарканд (Самаркандда), Фарғона (Янги Марғи-лонда) областлари статистик комитетлари тузилди.

Ўрта Осиё халқларининг турмушига бағишланган илмий ва ўлкашуносликка доир турли хабарлар (1870- 1917 йй) маҳаллий мат-буотда мунгазам босилиб турилди.

1870 йилда Тошкентда очилган Туркистон халқ кутубхонаси (Хозирги А.Навоий номли Ўзбекистон давлат кутубхонаси). ўлкани урганиш билан шуғулланувчи барча тадқиқотчилар, айниқса маҳал-лий ходимлар учун катта аҳамиятга эга бўлди.

Кутубхона очилиши вақтида 1700 жилд китоб бор эди.

1917 йилга бориб ўндаги китоблар сони 80000 жилдга етди. Бу тўпلامни тузиш ишларини кузга қуринган рус библиографи В. И. Метов Петербургда 1868 йилдан бошлаб, 20 йил давомида олиб борган эди.

1872 йлда А. Л. Кун ва бошқа шарқшунослар машҳур *“Туркис-тон альбоми”*ни тузиб тамомладилар. Альбом 1262 донга рангли суръат ва фотосуръатлар ёпиштирилган 447 бетдан иборат бўлган.

Ўрта Осиё тарихига оид энг муҳим манбалардан бири X аср муаллифи Мухаммад Наршахийнинг *“Бухоро тарихи”* асари Н.С. Ликошин томонидан рус тилига ўгирилиб, 1897 йилда нашр этили-ши (В. В. Бартольд тарихи остида) жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Қисқа муддат ичида Туркистон илмий ҷамиятлари ўлкани ўрганиш иҳида мустаҳкам ўрин олдилар.

1870 йй

лда Ўрта Осиё олимлари ҷамияти пайдо бўлди. Бу жа-мият ўз олдиға Ўрта Осиё тарихи, географияси, этнографияси, ста-тистикасини, иқтисодиға оид маълумотларни тўплаш, ишлаш ва тар-катишни мақсад қилиб қуйган эди. Унинг 1чи очик мажлиси 1871 йил 28 январда бўлди.

Ўлкада ишлаб турган хаваскор археологлар 1895 йилда Туркистон археологияси хаваскорлари тугарағиға аъзолари томонидан Фарғона тоғ тизимларидағи Саймалитош деган жойда тошға ўйиб солинган жуда қўп суратларни топиши фанға муҳим илмий кашфиётлар бўлиб қирди.

Ўрта Осиё тарихи ва археологияси XX аср бошидан чуқурроқ текширила бошланди. Бунда биринчи ва раҳбарлик ўринида шўбҳа-сиз, гоят билимдон олим шахс шарқшунос В. В. Бартольд (1869-1930) турган эди.

У шарқ тилларини жуда яхши билганидан, ҳамиша унинг илмий фаолияти марказида турган Ўрта Осиё тарихчилиғи эмас, шу билан бирға бугун **“Муслмонлар Шарқи”** тарихиға ҳам оид жуда қўп биринчи манбаларни ўрганиш имқониятиға эга бўлди.

Унинг “*Туркистон мугуллар хужуми даврида*” (1898-1900) монографияси Урта Осиё тарихини урганишда муҳим урин тутди.

В.В.Бартольднинг “*Улугбек ва унинг замони*”, “*Туркистоннинг сугориш тарихига оид*”, деган тадқиқотлари ва бошқа кўп китоб, мақола, тадқиқот ва мулоҳазали гоёт қимматли ва ўз аҳамиятини йўқотмаган асарлардир. В.В.Бартольдда катта ташкилотчилик илмий қобилияти ҳам бор эди. Дарҳақиқат, Урта Осиёнинг тарихи ва археологиясининг урганиш соҳасидаги бирон каттарок тадбир Бартольднинг иштирокисиз бўлмаган. Маҳаллий археологлардан В. П. Вяткиннинг (1869-1932 йй) қилган ишлари диққатга сазовордир. Бу олим (1908 йилда Самарқанддаги машҳур Улугбек расадхона-сининг қолдиқларини урганиш ва сақлаш билан шугулланади.)

Бартольд узининг 1894 йилда босилиб чиққан “*Туркистонда археологик тадқиқотлар масалаларига оид*” китобида улкани жиддий равишда урганиш ҳали олдимизда турибди, бу ишда бош ролни маҳаллий илмий кучлар ўйнамоғи лозим деган эди. Унинг таклифи билан 1895 йил октябр ойида Туркистон археологияси хаваскорлар тугарағи ва унинг устави тасдиқланди. Уставни жумладан:

1. Туркистон улқасининг қадимги ёдғорлиқларини урганиш.
2. Тугарак фахрий ва ҳақиқий аъзолардан тузилади.
3. Тугаракнинг ҳақиқий ва хаваскорлик аъзолиғига маҳаллий археологик масалалари билан қизиқувчи, унга аъзолик бадалларини тулаб турувчи ҳар бир киши сайлана олади. Сайланувчининг унвонига, келиб чиқишига, миллатига ва жинсига қаралмайди.
4. Ҳақиқий аъзолар ўз ичидан бир йил муддатга бошқарма сайланади.
5. Бошқарма тугаракдаги ишларни олиб боради, қайси ёдғорлиқларни қазиб, тадқиқ қилишни аниқлайди. Маҳаллий идоралар ва Россия археология комиссияси билан алоқа ишларини олиб боради.
6. Тугаракнинг умумий мажлисларига ҳар бир қизиқувчи киши қатнаша олади.
7. Тугаракнинг бўлимларини бошқа шаҳарларда ҳам очиш.
8. Тугарак маблағи ҳақиқий аъзолари ҳақиқий бўлмаган аъзо-ларидан ҳамда археология хаваскорлари томонидан бериладиган хайриялардан ташкил топади.

Н.Н.Веселовский раҳбарлигида Ақром Аскарров қаби хаваскор тарихчи ва археологлар етишиб чиқди. У узининг ҳаракатчанлиги ва ишчанлиги билан Туркистондаги фан ахилларига танила бошлайди. “*Туркестанский ведомости*” газетасининг 1892 йилда босилиб чиққан саҳифасида А. Аскаровнинг 1370 дона қумуш пул, 13274 дона мис пул, Неолит даврига оид тош, болта, ясалган шуг, жез ойна қаби турли буюмлар тўплаганлиги ҳақида маълумот беради. Улар орасида сополдан ясалган одам хайкаллари, бир булак мисрий исирга, балдоқ, тумор, мис ва сопол идиш ҳамда шунга ухшаш тарихий буюмлар бор.

А. Аскаровнинг фан учун қимматли бўлган бу коллекциясига ўша давр мутахассиси: проф. Н. И. Веселовский ҳам катта баҳога берган эди.

Октябрь инқилобидан сўнг улқада улқашунослик фани кўпроқ марказдан андоза олган ҳолда ривожланди. Россиянинг марказий районларига тегишли бўлган нашрлар қўпайди. Урта Осиёнинг асосий йирик шаҳарлари тарихи қисман ёритилди. Мактабларда улқашуносликка тегишли бўлган ишлар, улқа тарихидан четда қолиб кетаверди.

Мустақиллик шарофати билан улқа тарихини урганишга янгитдан эътибор берилди. Ўзбекистон тарихини урганиш маҳаллий ҳужжатлар, матбуот, архив материаллари, археологик, топонимик, этнографик ва бошқа манбаларни чуқур урганиш билан чамбарчас боғлаб олиб бориш лозимлиги таъкидланади ва амалга оширилмоқда. Бу эса улқа тарихига янгича ёндашиши тақозо этади. Бу йўлда олимларнинг янги ва илмий асарлари нашр юзини қуриши улқа тарихига объектив баҳо беришни кўн тартибига қўяди.

Таянч иборалар.

- | | |
|-------------------------------|---------------------------|
| 1. Тарихий ёдғорлиқлар. | 6. Илмий улқашунослик. |
| 2. Жамоат улқашунослик. | 7. Археологик ёдғорлиқлар |
| 3. Мактаб улқашунослиги. | 8. Санъат ёдғорлиқлари. |
| 4. Туркистон халқ кутбхонаси. | 9. Этнография |
| 5. Коллекция. | 10. Топонимика. |

Назорат саволлари:

1. Улқа деганда нимани тушунасиз?
2. Улқашунослик фани қандай вазифаларни ўз ичига олади?
3. Улқашунослик фанининг асосий манбалари нималардан иборат?
4. Улқашунослик қандай турларга бўлинади?
5. Улқашунослик фани қандай ривожланиш босқичларини босиб ўтди?
6. Урта Осиё олимлари жамияти қачон қўйдо бўлди?
7. Улқашунослик фанининг ривожланишида муҳим рол ўйнаган қан-дай тарихий асарларни биласиз?
8. Ақром Аскаровнинг улқа тарихини ёритишдаги асосий вазифаси нимадан иборат эди?
9. В.В. Бартольднинг улқа тарихини урганишдаги роли.
10. Урта Осиё олимлари жамияти фаолияти ҳақида тўхталинг.

11. Туркистон археология тугараги хакидаги гапириб беринг.
12. Туркистон халк кутубхонасининг очилиши кандай ахамиятга эга булди?
13. Собик Иттифок даврида улкашунослик фанининг марказдан андоза олган холда ривожланишига кандай карайсиз?
14. Улкани урганишда статистик комитетларнинг роли.
15. Собик Иттифок даврида улкашуносликка тегишли булган ишлар нима учун четда қолиб кетди?
16. Илмий улкашунослик деганда нимани тушунасиз?
17. Жамоат улкашунослиги деганда нимани тушунасиз?
18. Улкашуносликни урганишни тарбиявий ахамияти.
19. Мустақил Ўзбекистон Республикаси ташкил топанган сунг улка тарихини урганишга янгича қараш.
20. Этнографик ёдгорликлар.

Манба ва адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Тошкент «Ўзбекистон 1996 йил.»
2. Арциховский А.Б. «Археология асослари» Тошкент «Ўқитувчи» 1970 йил.
3. Набиев А. «Тарихий улкашунослик» Тошкент «Ўқитувчи» 1996 йил.
4. Саъдиев А. «XIX асрда Туркистонда тарих фани» Тошкент 1960 йил
5. Гуломов Я.Г. «Ўзбекистонда археология» Тошкент 1956 йил.

Мавзу 3-4: Улкашуносликда археологик тадқиқотларнинг урни ва роли.

Режа.

- 1. Археология хакида қисқача маълумот.**
- 2. Улкашуносликда археология ва уни ривожланиш тарихи.**
- 3. Улка тарихини урганишда археологик материал-лардан фойдаланиш.**

“Археология” сузи лотин тилидан олинган бўлиб “археос” қадимги, “логос”- фан яъни қадимги фан деган маънони билидиради. Археология улкашуносликнинг ва тарих фанларининг асосий манбаларидан биридир.

Дунё халқларининг бир неча 100 минг йилларидан бери давом этиб келаётган тарихи бор. Лекин шу узок тарихий тараққиётнинг энг қадимги 5-6 мингинчи йилларидан бошлаб ёзма асарлар бўлиб ундан аввал халқларда ёзув ва ёзма тарих бўлмаган.

Ёзма тарих булгичча утган бир неча юз минг йиллик тарихини ҳамда ёзма тарих кейинги давр ҳаётини тула урганиш зарурияти уша давр халқларидан қолган буюмларни текшириб қуришни тақазо этади. Бундай ёдгорлик буюмларни текширувчи фан археология бўлиб у тарихчиликнинг муҳим бир тармоғини ташкил этади. Археология ибтидоий одамлар яшаган маконларни синфий жамиятдан қолган шаҳар, қишлоқ ва мазорлар қазиб қуриб, тарихни асрайди. Археологлар қазилма усули билан иш қурадилар. Археология фани ҳали бошқа фанларга қараганда ёш бўлишига қарамай дунёда қатта эътибор қозongan ва ҳаммани қизиқтирган фан.

Урта Осиёда тарихчилик узок вақтни уз ичига олади. Муҳаммад Наршахийнинг “Бухоро тарихи” (бальемийнинг тарих тобора таржимаси) каби асарлари ёзилганига минг йилдан ошган бўлсада улардан ҳозир ҳам фойдаланилади.

Тарих маълумотларига қараганда тарихчилик Урта Осиёда жу-да ҳам қадимдан бошланган. Урта Осиёда археология жуда ҳам ёш фан.

Бир гуруҳ прогрессив рус зиёлилари- археология хавасқорлари ҳозирги тарих музейни ташкил қилиб ҳар жойда тупланган археологик ёдгорликларини бу ерга туплашга қиришдилар.

Рус шарқшуноси Н. И. Веселовский, В. Б. Гиргорев, И. Кала-ур, В. В. Вартольд ва бошқалар шунингдек ўзбек археологларидан Акрамполвон Аскарлов ва бошқалар ёдгорликларни тарих нуқтаи назаридан урганиш ишига ташаббусчи бўлдилар, Урта Осиёнинг чул-лари тоғлари ва қишлоқ ерларидаги баъзи ёдгорликлар хакидаги турли афсона ва хабарлани матбуотда эълон қилиш одат бўла борди. В. Л. Вияткин қадимги воситаларни урганиш асосида расадхонани урнини аниқлади. 1908-1909 йилларда бу жой археологик йул билан қазилган ва расадхонанинг гилдирак шаклидаги биносини курси бионинг бузилган гишт ва нақишларини ҳамда расадхонани секстантидан бир қисми топилди. Бу тарих фани учун қатта янгилик бўлди.

Урта Осиёнинг Амударё этакларида С. П. Толстов Қадимги Хоразм маданиятини қашф этди. Бу фан учун янгилик эди. Олим қадимги Хоразм алфбосини аниқлашга мувофиқ бўлди. Шаҳарлар ва қишлоқлардан топилган нарсалар бундаги маданиятни порлоқ бўлганидан далолат беради.

А. Якубовский Урта Осиёнинг урта асрлардаги энг муҳим шаҳарини ижтимоий топографиясини аниқлади. Урта Осиё археологиясини урганишда Массон, Шишкин, Гуломов асарлари қатта аҳамиятга эга. Смирнов доимий қазилар утқазиб Волга Булғориясини текширди. Ибтидоий жамоа даври одамзотнинг пайдо бўлишидан то мулқий жамият вужуда қилишидан булган даврни уз ичига олади. Ибтидоий қишлоқ жамияти уч даврга бўлинади: тош, бронза ва темир асрлари булган. Ўзбекистон территориясидаги Фар-ғона водийсида Хайдорқон қишлоғи яқинида археолог Исломов Сел- унғур горини топди. Ушбу топилма

муносабати билан кадимги тош даври одамни урта осие территориясида яшаган деган ишонч билди-риди. Топилган суякларга караганда бу одам гор айиги, гор коплю-ни, оху, эшак каби хайвонларни овлаган. Жанубий Туркменистонда Тошкент областининг бустонлик районида ва Фаргонада кайркум чулида Ашел давридан тортиб мустье ва ундан кейинги даврларда яшаган одамларда жуда куп куроллар топилган булиб хозирги рес-публика тарих музейида сакланмокда.

Бундан кейин ер юзида узок давр давом этган муз даври бошланади. Хаво совуб табиат узгариб куп хайвонлар узи тоғлар орасига олди. Бу даврда тош куроллар тури ва ишланиш техникаси анча яхшилашиши сабабли одамлар ёғочнинг учуни сихга кушиб ишлатиш хамда суякдан асбоб ясашни ургандилар. Бу хил юкори техника даврини урта палеолитда “мустье маданияти даври» деб ата-лади. Бу ашел давридан кийн келади. Бу даврда неондерталь типи-даги одам яшаган. Булар ибтидоий пода хамда уруг аймок муноса-батларигача утмишга якинлашиб бир оз сузлашишини хам ургана бошлаган. Бу давр кишилари коллектив булиб катта -катта хайвон-ларни овлаш бир жойда куплаб яшаш оркасида пода холдан уруг таркибига куча бошладилар

1938 йил Сурхандарё области бойсун тоғидаги тешиктош гори текширилганда бу жой мустье даврида яшаган одамларнинг макони булиб чикди. Горнинг катламларида тошдан килинган учокнинг ур-ни, кул катламлари, кумир, турли хайвон ва кушларнинг суяклари мустье даврига хос куроллар куп топилиди. Булардан у давр одамлари купгина ов билан кун кургани маълум булди. Горнинг бир ерида 8-9 ёшли бир боланинг тошга айланиб колган калла суяги хам топилиди.

1946 йилда Самарканд вилояти Ургут районидаги Омонкутон горида уша даврнинг макони ва тош куроллари топилиди. 1955 йилда Тошкент якинидаги Шоимкуприк деган жойда ашел даври куллари билан бирга мустье даври куролари куп топилиди. 1954 йилда Фаргона водийсининг кайрокум чулида хам бир неча ердан мустье даврнинг ашелл даври тош куролари топилиди. Бундай куроллар республикамизнинг яна бир неча еридан топилиди. Кейинги йилларда бир неча янги ёдгорликлар топилиб текширилиши туфайли Узбекис-тонда мустье даври жуда яхи урганилди. Мустье маконлари Сур-хондарё вилояти Бойсун районидаги Тешиктош, Самарканд вилояти Омонкутон районида, Тошкент областининг Чирчик водийсига утишда, Фаргона водийсидаги Капчугай ва Сух атрофларида топиб текширилди. Булар урта осие топилган мустье одамнинг суяклари ва куроллари булиб уларнинг илмих ахамияти нихоятда каттадир.

Демак, Узбекистон ибтидоий пода холдан уругчилик тузумига кучиш боскичи булган мустье даврида ахоли горларда макон тутиб яшаган. Мустье даврнинг охирларига келиб ов килинадиган куролларнинг бир мунча яхшиланганлигини оловдан фойдаланиш имкониятини кенгайтиши узок атрофдаги ахоли билан маълум алока богланиши натижасида маълум бир тоифа утрок холда яшган бир гурух кишилар уртасида кон кариндошлик муносабатлари бошла-нади. Болалар ва факат онани таниган ва уруг тепасида она туради. Юкори палеолит даврида уругчилик шарт-шароитида ов ва балик-чилик махсулотлари купайиб борган, гайри табиий кучлар хакида афсоналар тукила бошлаган.

Узбекистонда юкори палеолит даврининг деярли барча бос-кичлари манзилгохларидан дарак берувчи маконлар Тошкент якини-даги Шоимкуприкдаги Бойсун тоғларида, Мачай горида, Амур Те-мур горидан топилган.

Улар ичида Шоимкуприк ва Мачай гори ёдгорликлари уша давр хаёти хакида яхши материал беради.

Юкори палеолит даврига хос тош куроллар бухоро области-даги Уч тут кишлоги атрофида Тошкент якинидаги Бузсув-1 ва Буз-сув-2 маконларида, Охангарон якинидаги Кулбулок маконида ва бошка жойларда топилиди.

Палеолит томон булиб мезолит бошланади. Мезолит урта бош даври булиб бу даврда кишилар ук ёйни кашф этади. Овчилик осон-лашади. Биринчи маротаба ит хонкилашади. Сурхондарё областидаги Зараутсой буйидаги “Зараутсой камар” деган бир тоғнинг камарида тошка кизил буёк билан солинган сурьятлар топилган. Унда чодир ёпиниб узига дум боглаган ва ук ёй кутарган овчилар ёввойи хайвонлар билан тасвирланган.

Республикамизда мезолит даври ёдгорликлари Бойсун районидаги Мачай горида Тошкент якинадаги Кушилиш деган жойда топилган. Мезолит даврида Мачай горидан топилган мадний катлам чамаси 40 см келади.

Неолит (янги тош) утиш асосан тошни силликлаш ва тешиши усуларини расм килишда бошланади. Бу даврда одамларнинг катта ютукларида бири сопол идишларни яшадан булди. Узбекистонда бойсун тоғларидаги Мачай, А. Темур горларида, Чимбой атрофида ва Коракалпагистондаги Жонбоскальа атрофида неолит даври мадания-ти колдиклари топилган.

Профессор С. П. Толстов бошлик хоразм археология экспе-дицияси 1937 йилда кидириш ишлари олиб борди. Жанубий Коракалпогистондаги Кизилкум ичида колиб кетган кадимги обод ерларда гоятда куп ва ахамиятли ерларни топиб текширди. Бу ёдгорликлар ичида энг кадимгиси Калтаминор булиб унда унги даврларнинг ёдгорликлари хам яхши сакланган. Кизил кум сахро-сидаги кумтепаликлар орасида Жонбоскальа бор. 1940 йилда уша жой казилган. Проф: С. П. Толстов тахминига кура бу жойни 100-120 одам она уруги оиласи таркибида яшаган. Чайлада кумни уйиб ишланган 20 дан ортик учок булган. Хар учок атрофида балиу суяк-лари, ёввойи урдак, гоз тухуми пучоклари хар хил суяклари сопол идиш

синиклари топилган. Овчилик ва баликчилик ривожланиб бо-риши натижасида одамлар аввал мисни вав кейинрок мисга калай кушилган жез (бронза) ни ишлата бошлаган.

Археология	Афросиёб	Таянч иборалар.
Палеолит	Мезолит	Ибидой жамоа тузуми
Энеолит	Ибидой	Неолит
Ашель	Шель	Пода
Питекантроп	Синантроп	Мустье
Неандерталь	Неолит инкилоби	Гейделберг
Наус	Оссуарий	Она уруги даври
Чопер	Кадиварлар	Дехкон
Тозабогёб маданияти,		Ота уруги даври

Назорат саволари:

1. Археология кандай фан ва уни улка тарихини урганишдаги ахамияти?
2. Археология деганда нимани тушунаси?
3. Археология фани кандай ривожланиш боскичларига эга?
4. Фаргона водийсидаги ибидой жамоага оид кандай археологик ёдгорликларни биласиз?
5. Ўзбекистонда археология фанини ривожланишига хисса қўшган олимлар кимлар?
6. Урта Осиё археологларидан кимларни биласиз?
7. Ашель даврига оид бўлган ёдгорликларни аниқланг.
8. Профессор С. П. Тослтов бошлик Хоразм археологик экспедициясининг фаолиятига баҳо беринг.
9. Тешиктош гори топилдиклари хақида гапириб беринг.
10. Ўзбекистондаги неолит даври топилдиклари ва уларнинг улкашуносликдаги ахамияти?
11. Ўзингиз яшаётган ҳудудда археологик топилдиклар борми? Бор бўлса улар хақида маълумот беринг.
12. Урта Осиёда ибидой тузум неча даврга бўлинади?
13. Ўзбекистондаги мезолит даврига оид археологик ёдгорликларни сананг.
14. Тош даври нечага бўлинади?
15. Археологик тадқиқотларнинг улкашунослик фанини урганишга боғлиқ томонларини айтинг.
16. Ўзбекистон улкашунослигини урганишга катта хисса қўшган рус археологларидан кимларни биласиз?
17. Археология кандай фанлар билан алоқада бўлади?
18. Археологияга оид материаллар мактаб музейингизда мавжудми, мавжуд бўлса гапириб беринг?
19. Археологияга оид ёдгорликлар кандай урганилади?
20. Археологияга оид ёдгорликлар кандай урганида тўтирок этганмисиз?

Манба ва адабиётлар.

1. Каримов.И.А. «Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. Тошкент Ўзбекистон 1996 йил.
2. Арциковский А. В «Археология асослари» Т. «Ўқитувчи» 1974 й. Аҳмедов Б. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари Т. «Ўқитувчи» 1991 йил
3. Набиев А. Тарихий улкашунослик Т. «Ўқитувчи» 1996 йил
4. Суллаймонова Ф. Гарб ва шарқ. Т. «Ўзбекистон» 1997 йил

Мавзу 5-6: Улкашуносликда этнографиянинг роли.

Режа:

1. **Этнография хакида кискача маълумот.**
2. **Ўзбек халклари тугрисида дастлабки маълумотлар.**
3. **Урта асрлар даври тарихи этнографик маълумот-лари.**
4. **XVII-XX асрлар маданиятини урганишда этнографи-янинг роли.**

I.

Этнография халklar хакидаги фан булиб, у халкни урганувчи, таърифловчи фан ёки халкшунослик фани деб ҳам юритилади. Этно-графия сузи лотин тилидан олинган булиб, “Etnos”- халк, “Grafos”- таъриф деган маънони англатади.

Этнография- дунё халklarининг маданиятини, маиший хаёти-ни, келиб чиқиши ва маданият тарихини, узаро алоқа ва муносабат-ларини урганувчи тарихий фандир.

Этнография тарихий фанлар, айниқса археология, антрополо-гия, география ва тилшунослик билан бевосита боғлиқдир. Бундан ташқари у ёзма мманбалар, географик хужжатлар, моддий ва маи-ший материалларда ҳам фойдаланади.

Мана шу хусусиятлари билан этнография бошқа фанлардан фарк килади.

Инсон ақл-заковати ва кули билан яратилган ҳамма нарса маданият этнографиясидир. Маданият ҳам уз навбатида иккига бу-линади:

1. Моддий маданият;
2. Маънавий маданият.

Этнография факат моддий маданият билан маънавий мааният уртасидаги асосий фарklarнигина урганиб колмай, балки улар урта-сидаги ухшашлик, умумий конуниятларни ҳам урганади.

Бу конуниятларни тадқиқ қилиш эса, инсониятнинг умумий тарихий таракқиёти конунларини билиш имкониятини беради. Этнографлар олдида турган кенг ва хилма-хил масалалар этног-рафия фанини бошқа яқин фан сохалари билан узвий боғлабгина колмай, унинг узини ҳам, бир қатор ихтисосларга булиб юборди.

Булар:

1. Хужалик ва техника тарихи;
2. Халк меморчилиги ва тасвирий санъат;
3. Урф-одат ва маросимлар;
4. Этник оилавий тузум,
5. Қийим-кечак ва уй-рузгор;
6. Ижтимоий ва маиший турмуш ихтисослари ва хоказолар.

Одатда этнография айрим қитъалар, мамлакатлар ёки халк-ларга қараб, урф-одатлари хакида маълумот беради.

II.

Ўзбек халқининг келиб чиқиши хақидахар хил қалқаш фикр-лар илгари суриб келинаётган эди. Қачонки, Ўзбекистон Республи-қаси мустиқилликка эришгандан сунг бу мураккаб ва қалқаш маса-лани ечимига ўзбекча, кенг ва хақиқий баҳо бериш имконияти пайдо булди.

Собик совет даврида айрим тадқиқотчилар ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихини шайбонийлар даври истилоси билан боғлай-дилар.

Маълумки Дашти Қипчоқда ташиқил топан Ок урда ва Шай-бон улусида, яъни Сирдарё, Орол денгизи ва Волга буйлари орали-ғидаги кенг худудда қучиб юрган, XIV асрнинг урталаридан бош-лаб ўзбеклар деб юритилаётган турк-муғул қабилалари билан боғлаб нотугри хулосага келинди.

Масалан: С. А. Токарев *“Основы Этнографии”* (М. 1968) ва И. Жабборов *“Ўзбек халқ этнографияси”* (“ФАН” нашриёти) асарларида шу фикр илгари сурилади.

С. Л. Толстов, А. Ю. Якубовский, Я. Г. Гуломов, М. Г. Вахобов ва бошқалар ўзбек халқининг бошланғич ядроси Урта Оси-ёда қулдорлик даврида яшаган қадимги сугдийлар, қоразмийлар, сак қабилалари ва уруг аймоғларини унутган, кейинроқ қучманчиликдан дехқончиликка утиб туркий тилда сузлашувчи қигил, қарлук яғмо, аргун қабил гурухлардан иборат эканлигини, ўзбек элатининг асоси XI-XII асрларда тугаганлигини ва XVI аср бошларида пайдо булган қучманчи Шайбоний ўзбекларининг ўзбек халқининг қадимги ядро-сига аралашиб кетиб, факат уз номинигина берганлигини қучли да-лиллар, факт ва материаллар билан исботлаб берганлар.

Қадимги Турон ерларида яшаган утрок дехқон ва қучманчи қорвадор ақолининг асрлар давомида яқиндан олиб борган иқтисо-дий ва этник алоқалари натижасида бу худудда даставвал қадимий ёзма манбаларда Сугд, Қоразм, Парқана, Шак ва Тохар номлари остида тилга олинган қато воҳа халқлари ташиқил топади.

Милоддан аввалги I мингйиллиқнинг урталарида Туркий қабилаларнинг жануб томон бошлаган силжишлари милод бусағасида Ю-эчи ва хуннларнинг қириб келиши билан янада қучайди.

УзФАнинг Тарих ва Археология институлари томонидан уюш-тирилган куп йиллик самарали ишлари натижасида узбекларнинг авлод аждодлари кадимдан утрок, йирик сугориш ишларига асосланган, дехкончиликка мустакил, узига хос юксак маданиятга эга булганлиги исботланди.

Бу ҳолат Урта Осиё халклари гуё тарихий халк эмас, уларнинг маданияти Эрон ва бошқа мамлакатларнинг маданиятига тобе, деган ҳар-хил даъволарни фош қилди ва пучга чиқарди.

Хоразмда, Чирчиқрабод, Ботишмулла, Куйкирилганқалъа, Тупроққалъа каби ёдгорликлардан қазиб топишган ажойиб архитектура, санъат а ёзув дурдоналари, Болаликтепа ва Панжкентда қашф этилган ҳар-хил маросимларни тасвирловчи ранг-баранг расмлар ва Варахшанинг гузал чанг хайкали ва безаклари бутун антик давр ичида қурилган ҳашаматли шаҳар ва қалъалар дабдабали сугориш иншоотлари, бепоён экинзорлар узбек ва бошқа Урта Осиё халқларининг узок утмишда ниятда зур иқтисодий ва маданий таракқиётга эга эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

VII-VIII асрларда Туркий аҳолининг қатта қисми Еттисув, Шош ҳамда Фарғона водийларида, қамроқ қисми Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида яшар эди. Улар туркийлар тилини қабул қилган туб жой аҳолидан ҳамда бу ерга қелиб урнашган қўпгина туркий қа-била ва уруғлардан иборат эди. Айрим Сугдий ҳужжатларда қелтирилган маълумотларга қараганда туркий аҳоли урнашган бу улқа VII асрдан бошлаб, Туркистон номи билан атала бошлаган.

Айни замонда Еттисувда урнашиб қолган Сугдийларнинг со-ни ҳам анчагина эди. Улар бу ерга асосан халқаро савдонинг қенга-йиши ва бу савдодан манфаатдор Сугдийнинг V-VII асрда олиб борган ҳарбий юришлари оқибатида қелиб қолган эдилар. Сугдийларнинг савдо ва ҳунармандчилик манзиллари Талос ва Чу водийларида Чимкентдан то улуг Хитой деворигача булган ерларда жойлашган.

Узок асрлар давомида шаклланиб қолган юқори даражадаги маданий замин булмаганида илк феодализм даврида ва IX- XII асрларда бутун Урта Осиё шу жумладан Ўзбекистонда фан ва маданият гурқираб ўсиб, жаҳонга Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад ибн Мусо Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий каби фаннинг қўп соҳаларини мукаммал эгаллаган улугвор сиймо-ларни етқазиб бериши мумкин эмас эди.

Маҳмуд Қошғарийнинг *“Девони луготит-турк”* номли ноёб асарида узбек халқининг энг қадимги туркий тилда гапирувчи аждодларимиздан бири булган қизил қабилалари Искандар Зулқарнайн юриш қилган даврдаёқ қўп нуфузли этнографик гуруҳлардан ҳисоб-қилгани ҳақида маълумот беради.

XI асрнинг етук шоири ва олими Юсуф Ҳос Ҳожиб томонидан яратилган уз даврининг зур бадиий асари ҳисобланган *“Қутадғу билик”* нинг ана шу қизил қабилалари тили асосида ёзилганини ва бундай ажойиб асар агар узок асрлар давомида иқтисодий, маданий бирлик негизида дунёга қелган умумий бир тил булмаган ҳолда пайдо бўла олмаслигини ҳам эътиборга олсак, у вақтда узбек халқининг тили ниятда узок тарихга эга эканлигига ишончимиз қўп бўлади.

Маҳмуд Қошғарийнинг айтишича, илк урта асрларда ҳам турк-ча ҳам Сугдийча сузлайдиган, яъни икки тили булган ва фақат турк-ча гапирадиган қишлоқларнинг жуда қўпчилигини, лекин фақат сугдийча сузлайдиган қишлоқларнинг қўпчилигини ҳам туркий тиллар эс-қи тилларни қиқиб чиқарганини айтгади. Демак, узбек халқи эр. авв. қўп, муайян бир ҳудудда узига қўп қўддий ва маънавий бирлик ярата бошлаб аста-секин тил қиқатидан ҳам умумийликка эриша бошлаган. Натижада XI - XII асрларга қелиб, узбек халқи асосан шаклланади.

Ўзбек халқининг авлод-аждодлари тугрисидаги баъзи маълумотлар қадимги ёзма манбаларда ҳам учрайди.

Қадими Урта Осиё халқлари ҳақидаги маълумотлар билан қа-димги Юнонлар эр. авв. VII асрда Проконнеслик Қайстробий угли Аристей даврдан танишадилар. Аристейнинг айтишича, у қирли са-бабларга қўра Проконнесни ташлаб узок улқаларга Исседомлар яша-ган жойларга саёҳатга жунаган. Аристейнинг қадимги Ур тугриси-даги маълумотлари ёзма адабиёт тарихидаги энг қадимийсидир.

Эрамиздан аввалги VII-VI асрларда шаклланиб, қиқож топан Юнон лирикасида айниқса Алиман ва Тимдар асарларида ҳам Урта Осиё халқлари ҳақида маълумотлар қўр.

Эсқил Бактриялик баъзи лашқарқошлар номларини қелтира-ди: Тақаган, Артам, Фарнух, Парф, Анхар, Арсам, Севалис ва қўш-қалар.

Бундан ташқари қадимги Хоразмийлар, Сугдийлар ва Шак ёқи Массагетлар ҳақидаги айрим маълумотлар антик давр муаллифлари Милетик Гекатий, Страбон, Геродот, Арриан ва Птоломей асарлари-да қадимги Фаршлар ёзувлари ва бутун Урта Шарқда тарқалган му-қаддас қитоб *“Авесто”* да қавжуд.

Эрамиздан олдинги II асрлардаги Хитой элқиси ва сайёҳи Чжи-Цзяннинг Довон ва Қангуй давлатлари ҳақида қолдирган баъзи маълумотлари ҳам этнографик қиқатдан қиқатга сазовор.

Араб истилосидан кейинги асрга оид этнографик маълумотлар маҳаллий ва араб сайёҳларининг асарларида қавжуд.

IX- XII аср муаллифларидан Ибн Хурзодбий, Ал- Балхий, Ал-Истаҳрий, Ибн-Хавқал, Маъсудий, Ёқут синғари йирик биоқраф ва саёҳатқилар, маҳаллий муаллифлардан қайласуф, муқикашунос Абу Наср Форобий, машқур энциклопедист олим Абу Райҳон Беруний ва буюқ табиб Абу Али ибн Сино, этноқраф, биоқраф, тарихқи олим Абу Саъд Абдушарм ибн Муҳаммад Сомоний ҳамда номаълум муаллиф яратган *“Худуд ул-олам”* номли асарларда Ўзбекистон ҳудудида уша даврда яшаган ақли тугрисида баъза этнографик лавқалар қелтирилган.

Чингизхон билан Европа монархлари ва Рим папаси уртасида савдо, сиёсий ва дипломатик муносабатлар урнатишга кизиқишди. Биринчи бўлиб папа Иннокентий IV 1245 йилда Франциялик Иоанн Плано Карпини бошчилигида монархлардан иборат элчиларини юборди.

Худди шу мақсадда ва шу йул билан 1249-51 йилларда сафар қилган Плано Карпини ватандоши Вильгельм Руберкович асарида ва Венециялик Марко Поло асарларида ҳам Урта Осиё улкалари ҳақида этнографик маълумотлар келтирилган.

Кудратли ва улкан давлат ташкил қилган Амир Тумур ва унинг ворислари ҳукмронлик қилган даврда Урта Осиё шу жумла-дан, Ўзбекистон йирик маданият марказига айланади ва унинг бош-камамакатлар билан ҳар томонлама алоқалари кучайди. Бу даврга оид кизикарли баъзи этнографик маълумотларни испан элчиси рицар Ръю Гонзалес де Клавихонинг асарида, Низомиддин Шомий, Абдураззок Самарқандий ва бошқаларнинг асарларида учратиш мумкин. Йирик давлат арбоби, саркарда, шоир З. М. Бобурнинг “Бобурнома” асарида ҳам муҳим этнографик маълумотлар қўлаб келтирилади. XVI аср бошларида Урта Осиёни босиб олган кучманчи ўзбекларнинг этник таркиби, жойлашган ҳудуди, турмуши ва урф-одатлари ҳақида Маъсуд ибн Қухистонийнинг *“Тарихи Абулхайрхоний”*, Камолiddин Биноийнинг *“Шайбонийнома”* ва Абулхайр Файзуллох Рузбехоннинг *“Меҳмонномаи Бухоро”* номли асарида қимматли маълумотлар келтирилган.

Биноийнинг “Шайбонийнома” асари 1450-1505 йиллар ичида юз берган ижтимоий-сиёсий воқеаларни қисқа ва лекин аниқ баён этган. У муҳим географик маълумотлар, яъни Сирдарёнинг урта оқи-мида жойлашган Сайрам, Сигноқ, Арнук, Утзор, Туркистон, Ўзган, Оккургон ва Хоразмга тобе шаҳарлардан Урганч, Булдумсоз, Адок ва бошқалар ҳақида ҳам маълумотлар беради.

Масалан: кучманчи ўзбек қабилалари ва уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги урни учрайди.

Урта Осиё ва Қозогистоннинг XV асрнинг иккинчи ярмида ва XVI асрнинг бошларидаги тарихини урганишда Рузбехоннинг “Меҳмонномаи Бухоро” асари зур қимматга эга. Асарнинг биз учун қиймати шундаки, унда Дашти Қипчоқ, Туркистон ва Қозок улусининг географик ҳолати, ўзбек ва қозокларнинг келиб чиқиши, этник таркиби, туриш-турмуши, урф-одати, шунингдек зодагонлар-нинг ҳужалиқда қўл меҳнатидан фойдаланиш ҳоллари ҳақида бени-ҳоя қимматли маълумотлар учрайди.

Урта Осиё ўзбек хонлари пайдо бўлгандан кейин, Марказлаш-ган Рус давлати билан улар орасида муносабат равишида савдо-сотик, дипломатик муносабатлар урнатила бошлайди. 1558 йилда Хитойга Урта Осиё орқали савдо йулини аниқлаш мақсадида Москвага келган Англия савдо қўмпанисининг вакили Антони Женкинсон бошлаб берди. У ўз мақсадига эриша олмаган бўлсада, бу улқалар ҳақида аниқгина маълумотлар қўлаб берди. Бухорога рус элчиси бўлиб келган, Флорио Беневени Хивага ҳам бориб, шу қўмпанислар тўғрисида қимматли географик маълумотлар олиб келган. Қўхна Хоразм аҳолисининг XVIII аср урталаридаги турмуши тўғрисидаги муҳим этнографик маълумотларни 1740-43 йилларда Дмитрий Гладишев ва Иван Шурикин бошчилигидаги Орол денгизи ва Хива экспедицияси ҳамда 1753 йилда Самара савдогари Данил Руков-скийнинг Хивага қилган саёҳати даврида қўпланган метериаллардан олиш мумкин.

1774 йилда Оренбург қўлларида қозоклар томонидан асирга олинган рус унтер-офицери Филип Ефримов асирликдан қочиб, Қў-қон, Марғилон, Қўшгар, Ёрқент, Тибет, Хиндистон ва Англия орқа-ли 1782 йилда Россияга қайтиб келади ва қўрган биланларини ёзиб қўлдиради. 1781 йилда Бухорога элчи бўлиб келган Линдиёр Доф ва Бекқурин ва 1794-98 йилларда Бухорога саёҳат қилган Т. Бурнашев-нинг ҳикоялари ҳам келтирилган. Шу даврдаги Хива хонлигига оид тарихий ва этнографик маълумотлар хоннинг тақлифи билан Хоразмга келган қўз доктори машқур Бланкеннагеннинг ёзиб қўлдирган хотиралари мавжуд.

Ўзбек халқ этнографияси оид метериаллар қўплами даври XIX асрда бошланади. XIX асрнинг биринчи ярмидан Н. Н. Мурав-ёв, А.Ф. Негрий, Н. В. Хаников, П. И. Данилевскийлар утқазган иш-лар Урта Осиё халқлари шу жумладан, ўзбеклар этнографиясини урганишдаги дастлабки илмий қадамлар бўлди.

1819-20 йилларда Хива хонлигига саёҳат қилган капитан Н. Н. Муравъёв Ўзбекистон ССР таассуротларини асар қилиб чиқаради.

Н. Н. Муравъёв асарининг баъзи қўбларида бевосита ўзбек-ларнинг табиати, диний эътиқодлари, урф-одатлари, маърифати, қи-йим-кечаги, уй-рузгорлари, уруг-аймоги, қабил соф этнографик маълумотлар келтирилган. Унинг айтишича, Бухоро томонидан келган ўзбеклар асосан 4 тоифадан: **киёт -қўнгирот - уйғур-найман, қангли-қипчоқ, нуқус манғитдан** иборат: ҳар 1 тоифа муқтақил ҳоким-иноқга эга, аммо уларнинг энг қаттаси қиёт-қўнгирот-иноқидир.

1820-йилда Бухорога жўнатилган А. Ф. Негри бошчилигидаги дипломатик миссия қатнашчиларидан Э. А. Эверслин, Х. Пандер, П. Яковлев, Будрин ва полковник П. Мейендорфларнинг қитоб ва хотиралари бой тарихий этнографик маълумотларга эга. турли тилларда ташқил қилинган Г. Мейендорфнинг *“Оренбургдан Бухоро-га саёҳат”* номли қитобида Бухоро хонлигининг географик урни, ижтимоий иқтисодий аҳоли, давлат тузилиши ва аҳолиси ва машқу-лотлари, қишлоқ ҳужалиги сўғурилиши системаси, ҳўнармандчили-ги, ички ва ташқи савдо, оила ва хотин қизларнинг турмуши ҳақида маълумотлар келтирилган. бу соҳада айниқса, 1833-1841 йилларда Оренбург губернаторининг махсус топширигига биноан ишлаган В. М. Доллининг берилган маълумотлари диққатга сазовордир.

1840-1850 йиллар ичида Қозогистон ва Урта Осиё ҳамқўрлиги этнографиясини илмий жихатдан урганишда ака-ука Николай ва Яков Ханиковларнинг хизмати қатта бўлган.

Яков Ханиковнинг 1851 йилда нашр қилинган *«Орол денгизи ва Хива хонлиги картасига муҳокама»* асарида этнографияга алоҳида эътибор берилган. Н. Хаников 1843 йилда Бухоро хонлиги ҳақидаги илмий асарни нашр қилдиришга муяссар бўлади.

Этнографияга оид муҳим маълумотлар 1843 йилда Хива хонлигига дипломатия миссия тартибда келган полковник Г. Н. Дони-левский, О. Р. Н. Базинер асарларида ҳам юклантирилган.

Уша йилларда атоқли олим В.В.Григорев Оренбургда яшаган ва у Россияда биринчи бўлиб шарқ халқлари тарихи туруни уқита бошлади. унинг 200 дан ортиқ илмий ишлари орасида Урта Осиё ҳамкорлиги жумладан узбекларга тегишли асарлари ҳам мавжуд.

1851 йилда Оренбургга келиб саёҳат қилган В. В. Вельяленов Зукков ҳам узбек халқларига оид бир канча қизиқарли тарихий асарлар яратган.

1858 йилда Ломононский Н. Л. Игнатов бошчилигидаги Хива ва Бухорога юборилган йирик дипломатик миссия ҳам анча самарли иш олиб борган. Турк тилларини яхши билган, машҳур Венгр шарқ-шунос олими Херман Вамбери 1863 йили дарвеш либосини кийиб, савдо қарвони билан Хива, Бухоро, Самарканд ва бошқа Урта Шарқ мамлакатларига саёҳат қилди. Бу сайёҳнинг Урта Осиё ҳақидаги ёзган асарларида маҳаллий аҳоли, шу жумладан узбек халқи этнографиясига оид қизиқарли маълумотлар бор. У узбек уруғлари ҳақида гапириб, биринчи бўлиб узбек сузининг келиб чиқиши ҳақида мулоҳаза юритади. Кук Урда шаҳрида Волга билан Орол денгизи орасидаги шовчи турк мугул қабилаларида жуқи сулоласидан тук-қизинчи ҳукмдор бўлган Ўзбекхоон мисолига нисбат бериб, узлари-га бир сиёсий қўшма ном, узбек номи билан қабул қилганлар.

Асар муаллифи 32 узбек қабилаларининг рўйхатини берди ва уларнинг қийим-кечаклари, таомлари, уйин ва мусика асбоблари, урф-одатлари ва диний маросимларитурғисида ҳикоя қилади. XVI-XIX аср урталаригача бўлган давр ичида маҳаллий муаллифлар томонидан яратилган тарихий асрларда ҳам баъзи бир муҳим этнографик лавҳалар бор. Истеъдодли шоир ва мусикашунос Ҳофиз Таниш Бухорийнинг *“Абдуллонома”* асари Урта Осиё, Қозғистон шунингдек, қисман Афғонистон ва Эроннинг XVI-асрдаги ижтимоий-сиёсий тарихини уз ичига олади. Асарда этнографик маълумотларга ҳам бойдир. М: узбек халқи таркибига қирган уруғ ва қабилалар тугрисида маълумот беради.

Абулғози ибн Муҳаммадхон Ҳоразмийнинг бир канча бой чет тилларига таржима қилинган *“Шажараи Турк”* ва *“Шажараи Тароқима”* қабил асарлари мавжуд.

Машҳур узбек тарихчилари Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммад ризо Оғахий ва Муҳаммад Юсуф Баёнийларнинг *“Фирдавсул-икбол; Рийзут-давлат”*, *“Зубдат ут-таворих”* номли, *“Гулишани давлат”*, *“Шамсул-икбол”*, *“Шажараи Ҳоразмшоҳий”* қабил асрала-рида XVII-асрнинг II-ярмидан то XX-аср бошларигача Ҳоразм ва қўшни ҳудудларида рўй берган тарихий воқеалар юксак маҳорат билан тасвирланди. Узининг бой мазмуни, иқтисодий, ижтимоий маълумотларининг қўлиги ва ранг-баранглаги билан ажралиб турган бу тарихий асарлар уша даврдаги узбек халқи этнографиясининг урганиш учун муҳим манба бўла олади.

Ўзбек халқининг этнографиясини урганиш билан шугулланган М. П. Остраумов, М. С. Литошин сингари татқиқотчилар мустамлакачилик маъмурларинг хизматчилари бўлиб уз асарларида чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатини тарғиб қилдилар. Бироқ уларнинг асарларида ҳам шахсий жамоаларнинг турмуши, маданий ҳаётига доир фактларга асосланган бир канча диққатга сазовор материаллар учрайди.

А. П. Федченко ҳам уз рафикаси билан юриб, узбек халқ этнографиясига оид жуда қўп маълумотлар тўплаган ва *“Қўқон хон-лари”* асарини ёзган. Этнография материалларини кенг оммага ет-қазйиш ва уларни сақлаб қолишда илмий журналлар, статистик бош-қармаларнинг справочник тўпламлари ҳамда *“Туркестанский ведомости”* газетасининг хизматлари катта бўлди.

Шундай қилиб, XIX-асрнинг II-ярми XX-аср бошларида узбек этнографиясининг урганишда илмий жихатдан диққатга сазовор бир канча ишлар пайдо бўлиб, жуъйи татқиқотчи олим ва улқашу-нослар сафи кенгайиди. Улар уз асарларида узбек вабошқа Осиё халқлари маънавий -ва маърифий турмушининг хусусиятлари, урф-одатлари, уруғ-аймоғлари ва қабилачилик тузуми, диний эътиқодлари ва бошқа этнографик хусусиятларини таърифлаш билан бирга, уларнинг маъносини илмий жихатдан шарҳлашга интиланлар, лекин уз даврининг ҳукмрон идеаллари таъсирида бўлган бу татқиқотлар бир мунча нуксонлардан ҳоли эмас, албатта.

Ижтимоий масалаларни шарҳлашда татқиқотчиларнинг ожиз-лиги, субъектида ирқий концессияларнинг ҳукм сурганлиги улар-нинг қўп асарларида ҳам уз асосини топган.

1918 йилда ташқил қилинган Туркистон халқи университетида узбек этнографиясидан махсус курснинг уқитила бошланиши Туркистон ҳудудида этнографик тадқиқотлар утқазйишга катта эътибор берилаётганидан далолат беради.

30-йилларга келиб, атоқли олимлардан С. П. Толстов ва Л. П. Потоповлар узбеклар ва Урта Осиё даги бошқа халқларинг этнографиясини урганиш ишларини жонлантириб юборади.

Ҳоразмда чорак асрдан ҳам қўп вақтда иш олиб борган С. П. Толстов раҳбарлигидаги археолог-этнографларнинг комплекс экспедицияси Ўзбекистон халқларининг турмуш ва маданиятини урганишда янги саҳифа очди. Бу экспедиция, асосан қадимги Ҳоразм маданияти ёдгорликларини урганиш билан бирга Ҳоразм воҳа-сидаги узбекларинг этнографиясини ҳам текширди. II-жаҳон урушидан кейинги даврда

экспедиция таркибида икки узбек этнография отряди тузилди. Улар шимолий узбеклар этнографияси ва жанубий узбеклар этнографияси отряди эди.

Хоразм экспедицияси Ўзбекистон ҳудудида яшовчи, лекин ин-килобдан илгари бутунлай унутилиб қуйган қорақалпоқ халқларини урганиш соҳасида ҳам катта ишлар қилди. Экспедициянинг Қорақалпоғистон отрядига атоқли этнограф Т. А. Жданко раҳбарлик қилди. Бу олим қорақалпоқларнинг тарихий этнографиясига бағишланган ажойиб асар ёзди. Отрядда маҳаллий этнографлардан С. Камолов, Пусбергенов ва Шеликеновлар иштирок этдилар.

Атоқли тарихчи-этнографлар А. Ю. Якубовский, А. А. Семёнов ва П. П. Ивановлар узбек халқининг келиб чиқиши ва этник таркиби масалаларига узларининг чуқур мазмунли асарларида кенг урин берганлар. Бу муҳим масалаларни ёритишда Р. Г. Муминова ва Б. А. Аҳмедовлар ҳам маълум ҳисса қўшганлар. Тарих ва археология соҳасида қилинган илмий ишларда кенг фойдаланган М. Вахобов узбек халқи этнографиясига оид асарни яратди.

Миллий масала ҳар доим долзарб бўлиб келган. Ҳар бир халқнинг миллий шаклланиши, этник умумийлиги ва хусусиятлари, узаро яқинлашуви каби масалаларни чуқур тушуниш учун айрим этнографик гуруҳларни ҳар томонлама урганиш зарур. Узбекларнинг айрим қабил ва уруғларини тақик қилишда этнографлардан В. Г. Машкова, К. Л. Задикина, К. Шониёзова, Т. Файзиевларнинг илмий ишлари диққатга сазоворди.

Ўзбекистон тарихига оид қўл тоғли йирик илмий асарни этнографияга бағишланган бўлимлари фаннинг сунгги ютуқлари асосида мутахассис татқиқчилар томонидан ёзилган **“Жаҳон халқлари”** сериясида босилиб чиққан икки тоғли **“Урта Осиё ва Қозғистон халқлари”** номли монументал илмий асар деярли бутун этнографик татқиқотларининг ютуқларини узида мужасам-лаштирган. Асарнинг “Ўзбеклар” номли қисми ёзиш ва таҳрир қилишда маҳаллий этнографлардан О. А. Сухарева, М. А. Бекжонова, И. Жабборов ва бошқалар қатнашган.

Ўзбек халқининг этнографиясини урганиш мустақиллик қўлга қиритилгандан сунг янги босқичга қўтарилди.

Эндиликда узбек этнографларни олдида инсониятнинг порлоқ келажағи бўлган ёш авлодни улқа тарихига эътиборли ва муҳаббат нуқтаи-назарида бўлиш каби ҳис туйғуларни сингдириш маъсулият турибди.

Таянч иборалар:

- | | |
|---------------------------|------------------------------------|
| 1. Этнография | 9. Қангли - қипчоқ |
| 2. Этнология | 10. Нуқус- мангит. |
| 3. Санъат | 11. Фольклорит |
| 4. Этник ва оилавий тузум | 12. Лексикограф. |
| 5. Этногенез | 13. Дипломатик миссия. |
| 6. Антропология | 14. Фарғона этнографик экспедиция. |
| 7. Чигил қабилалари | 15. Қиёт-қунгирот, |
| 8. “Худуд ул-олам” | 16. Москва қўмпанияси. |

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Этнография қандай фан?
2. Этнография нимани урганади?
3. Этнография фани қандай қонуниятларни урганади?
4. Ўзбек номини қелиб чиқиш ҳақида нималарни биласиз?
3. Қадимги этнографик маълумотлар қайси асарларда учрайди?
4. VII-VIII асрларда туркий аҳоли қайси ҳудудларда истиқомат қилганлар?
5. Сугдларнинг савда ҳунармандчилиқ манзиллари қайерларда жойлашган эди?
6. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луготит-турк» асарининг этнографик аҳамияти?
7. Ўзбек халқининг авлод аждодлари туғрисидаги маълумотлар қайси қадимги манбаларда учрайди?
8. IX-XII аср муаллифларидан қайсилари этнографик маълумотлар беради?
9. Платон Карпини ва Марко Пололар қандай этнографик маълумотлар беради?
10. А. Темур ва унинг қорислари даврида қандай этнографик асарлар яратилди?
11. XVI асрдаги узбекларнинг этник таркиби жойлашган ҳудуд ва урф-одатлари ҳақида қайси асарлар қимматли маълумот беради?
12. XIX асрнинг ярмида Урта Осиё халқларини урганишдаги рус олимларининг фаолияти?
13. Херман Вамберининг узбек халқи этнографиясига оид маълумотлари?
14. XVI-XIX аср маҳаллий муаллифлар томонидан яратилган тарихий асарларда этнографик лавҳаларни яратилиши.
15. 1930 йиллардаги Урта Осиё халқларининг этнографиясини урганилиши?
16. Ўзбек халқи этнографиясини урган рус олимлардан қимматли биласиз?

17. Ўзбек халқи этнографиясини урганган ўзбек олимлардан кимларни биласиз?
18. Мустиқиллигимиз кулга киритилгандан сунг ўзбек этнографиясининг кулга киритилиган ютуқлари нималардан иборат?
19. Кишлоғингиз ёки шаҳрингиз аҳолисининг турмуш тарзи ва ўрф-одатлари ҳақида гапиринг.
20. Тарих уқитувчилари этнографияни урганишда нималарга эътибор бериш керак?

Манба ва адабиётлар

1. Каримов И. А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент «Ўзбекистон» 1996 йил.
2. Набиев А. Тарихий улкашунослик Тошкент уқитувчи 1978 йил.
3. Сулаймонова Ф. Шарк ва Гарб. Тошкент. «Ўзбекистон» 1997 йил.
4. Чориев З. Тарихий атамаларни қискача изоҳли лугати Тошкент. 1999й.
5. Жаббаров И. «Ўзбек халқ этнографияси» Тошкент. 1964й.

Мавзу 7-8: Улка тарихини урганишда топономик тадқиқотларнинг урни .

Режа:

1. Топономика тушунчаси ва унинг моҳияти
2. Ўзбекистон топономикаси ҳақида маълумот.
3. Улка тарихини урганишда топономик материаллар туплаш ва улардан фойдаланиниш.

Топономика географик номларнинг киши исмларининг келиб чиқишини урганадиган фан сифатида майдонга келди. Топономика-ни **“Замин тили”** деб аташади. Топономик термини латин тилидан олинган бўлиб “топон” жой ва “аном” ёки “онима” ном, умуман жой номини урганидан фан деган маънони билдиради. Географик номлар ва замин қарида ётган, урганилмай ётган номлар, инсонларга қуйилган исмлар, топономикани урганиш манбаи хисобланади.

Микро топономика микро объектларни номларини тадқиқ қилади.

Ҳозирги вақтда топономика фақат йирик объектларнинг номларинигина эмас, балки микро объектларни ҳам номларини урганади.

Географик терминлар топономик штабига кирмайди. Аммо улар топономикани урганишда катта аҳамиятга эгадир. Номсиз “объект” топоним эмас. Топономика географик объектларни эмас балки уларнинг номларини урганади. Топонимлар бир вақтнинг узида тилшунослик тарихий ва географик фактлар хисобланади. Ҳамда манда сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Топономиканинг турили хусусиятлари тилшунослик, тарих географик археология ва бошқа фанлар билан алоқасига боглиқдир. Топономик материалларни тадқиқ қилинаётган тарихий маълумотлар айниқса археологик текшириш натижаларига суянган ҳолада иш қилиш зарур. Чунки топономика қўшма тарих далилларга ва исботларга муҳтождир. Масалан бирор ёдгорликни номини урганиш учун албатта уни қайси даврда яратилганлигини ва нима сабабдан шу ном берилганлигини тарихий давр шартини назарида тадқиқ қилиш талаб қилинади.

Топономика методологиясига мувофиқ уни фан сифатида урганишда қўйилган асосий талабларни хисобга олиш лозим:

- топонимларни пайдо бўлишига доир маълумотлардан фойдаланиниш;
- номларнинг мавжуд бўлган барча формалари аниқлаш;
- ном ва терминларни уша жой номи билан боглиқ ҳолда танлаш ва энг муҳимларини урганиш зарур.

Топономик асослар вақт, манбалар ва йўналишлар бўйича жойларга аҳолининг қўйиши урганиши меъёрига боглиқ. Топонимлар аниқ тарихий жараён мисол учун аҳолининг қўйиши маданий иқтисодий ва тил муносабатлари вужудга келади ҳамда тарқалади. Топономика жамиятни муҳим воситаси бўлган тилини, иқтисодиёти, маданияти ва тарихий таракқётини урниш жараёнида ушиб ривожланиб боради.

Топономик номлар манбаи ва уларни урганишда қўлланиладиган метод ва уларнинг тўғрилигини аниқлаш мақсадида: ёзма ва бошқа манбаларни, қўл ёзмалар, архив материаллари, хаттотлар қўйириб ёзган китоблар, аҳоли яшаган ҳаётларнинг акс эттирувчи бош ва махсус карталар ва экспликация карталари билан солиштириб қилинади.

Топономикада ҳам моддий ва маданий ёдгорликлар урганилгандек оддийдан мураккабга яъни бугунги кундан асрлар ичкарасига қилиб боради. Билиш мураккаб процессдир.

Топономика узи объектни ёшини ҳам аниқлайди. Ўз навбатида топономик номлар тарих учун ҳам бебаҳо манбадир. Географик номлар узок муддатли бўлиб маълум территориядаги у ёки бу халқларнинг тили ҳақида гувоҳлик беради.

Топономик материаллар йиғишда ва жой номларини келиб чиқишини урганишда этнография ҳам катта роль ўйнайди. Ҳозирги вақтда топонимлар жой номларини фақат этнологик ва анъанавий жихатдан эмас, балки суз яшаш жихатдан ҳам таҳлил қилимоқдалар.

Урта Осиё жумладан Ўзбекистон топонимларининг урганиш ҳам узок тарихга эга.

Бу жихатдан Махмуд Қошғарийнинг **“Девонул лугатул турк”** Наршахийнинг **“Бухоро тарихи”** Бобурнинг **“Бобурнома”** асарлари катта аҳамиятга эга. Республика жой номларининг келиб чиқиш

тарихини этнонимларини бирор халк, миллат, қабила, элат, уруг ай-моқ номларини урганувчи ҳамда географик терминларнинг урга-нишда ўзбек олимлари жуда катта ҳисса қўшдилар.

Топонимикани урганиш материаллар туплашдан бошланади. Топонимик материаллар йиғиш ишини, бошлашдан аввал, материал-ларни қандай ва қердан туплаш ва қимлар билан қандай мавзуда суҳбатлар утқизишнинг ҳеч бўлмаганда таҳминан иш плани ва программаси ишлаб чиқиши лозим. Мана шу план ва программа юзасидаги пухта тайёргарлик ишлари олиб борилади, сунг дала тадқиқот ишларига эътиборни қаратади.

Сураш ва суҳбат натижасида олинган материалларни тадқиқи қилишда топонимик материаллар бўйича қортоқалар, кейин шу асосида лугатлар тузилади. Кейинчалик тадқиқотлар фактларни ҳисобга олган ҳолда бир типдаги оммавий топонимларни синчиқлаб урганиш катта аҳамиятга эгадир. Тадқиқ қилинган ва тупланган топонимик материаллар улқашунослик музейларида сақланади. Шу-нингдек махсус қутубхоналарда алоҳида бўлим сифатида ҳам сақ-ланади.

Топонимик материаллар туплами қупинча шу улқа тарихни урганиш иши билан параллел ҳолда олиб борилади.

Тарих ва география уқитувчилари топонимикани урганиш жараёнида тилшуносликка оид бўлган материаллар улар билан биргалиқда ёқи уларнинг бевосита маслаҳатлари билан ҳал қилсалар жуда яхши натижа берар эди.

Улқа тарихини яхши урганмай туриб, топонимикадан улқашу-носликни муҳим манбаи сифатида фойдаланиш ниҳоятда қийин. Улқашунослик билан шуғулланадиган уқитувчилар топонимикага доир адабиётлар билан яхши танишиб чиқишлари қерак. Ўзбекистон тарихига доир топонимик материалларни урганишда топонимик ва географик лугатлар фойдаланиш мумкин.

Энди Ўзбекистон республикасига тегишли бўлган топонимик жой номларини айримлари санаб утамиз:

Марғилон Фарғона вилоятидаги қадимги шаҳар. Дастлаб Марғилон “**Маргинат**” деб аталган. Марғилон этимологияси *Марг*, *Мурғоб*, *Маргон*, *Марғрибита*, *Марғуб* қаби топонимлар этимологиясига уқшаб бўлиб тожикча “**Марг- утлоқ**” деган суздан олинган деб таҳмин қилинади. **Марг** сузи қадимги сугд тилида “*булоқ*” маъносини ҳам аңглатади.

Жиззах- Урта Осиёдаги энг қадимги шаҳарларидан биридир. Бу қалъани асли номи *Диззак* X асрларда ҳам шундай деб аталган. Диз қадимги сугд тилида “*қалъа*” “*истехком*” демақдир. “*Ак*” эса биздаги “*ча*” қушимчасига тугри қелади. Демак Диззак-қалъача демақдир.

Регистон Самарқандда, Регистон номи билан юритиладиган бозор ва арик мавжуд, ва **рег** тожикча **кум истон- жой ёқи кумлик жой** деган маънони аңглатади.

Бешбола ўзбек уруғларидан йирик бир шаҳобчасининг номи республикамызда бешбола номли бир неча топонимлар бор.

Октепа- бу суз “**дехкон**” суз билан бевосита алоқадор. Дехкон термини V-VI асрларда пайдо бўлган. Дехкон урта асрларда йирик феодал ҳисобланган. Одатда феодал дехконлар, тугон бошида атрофи девор, хандақлар билан тусилган мустаҳкам қургонларда яшаганлар. Бундай қургонларнинг харобалари ҳозирги вақтда оқ тепалар деб юритилади. Масалан: Тошкент шаҳрида 8 та октепа мавжуд.

Найман — ўзбек, қазоқ, қорақалпоқ, қирғиз, нуғой ва олтой халқларининг тарқибига қирган йирик қабила уюшмаси, ўзбек найманлари Зарафшон воҳаси Фарғона водийси ва Хоразмда яшаганлар. Ҳозирда Ўзбекистонда мазкур номлар билан аталувчи қишлоқлар мавжуд.

Шундай қилиб, қелтирилган тарихий географик атамаларнинг номи топонимларга асосланиб турли туман номларнинг бир-бири гурупулларига мисол қелтирдик ҳолос.

Агар уқувчи ёқи талаба ўз қишлоқ ёқи туман территориясидаги номларни қелиб чиқиши билан қизикса, топонимик маълумотларга яна ҳам муружаат қилиши лозим бўлади.

Таянч иборалар:

Топонимика	Микро топонимика
Микробика	Объект
Ном	Экспликация
Этнография	Этимологик
Семантик	

Назорат учун саволлар.

1. Топонимик тушунчаси ва уни моҳияти нимадан иборат?
2. Улқашуносликда топонимиканинг роли қандай?
3. Ҳозирги вақтда топонимиканинг ютуқлари нималардан иборат?
4. Номсиз объект топоним бўла оладими?
5. Топонимикани урганиш қандай аҳамиятга эга.
6. Яшаш жойларини топоним жойларнинг номини маъносини биласизми?
7. Топонимик материаллар йиғишда қайси фанлар муҳим рол уйнайди?
8. Урта Осиё топонимларини урганилиши тарихи ҳақида маълумот беринг.

9. Топонимикани урганиш кандай жараёнларни уз ичига ола-ди?
10. Тарих ва география укутувчилари топонимикани урганиш-да нималарга эътибор беришлари керак?
11. Хозирги вақтда топонимика фанинг ютуқлари нималардан иборат?
12. Топонимикани урганиш кандай аҳамиятга эга?
13. Маргилон шаҳри топонимикаси ҳақида нималарни биласиз?
14. Фарғона шаҳри топонимикаси ҳақида нималарни биласиз?
15. Кукон шаҳри топонимикаси ҳақида нималарни биласиз?
16. Ўзбек уруғлари номлари билан аталадиган жойларни аниқ-ланг.
17. Октепа термини қайси суз билан бевосита алоқадор?
18. Ўзингиз яшаётган кишлоқ ёки район ҳудудидаги топонимик номлар ҳақида маълумот беринг.
19. Фарғона водийсидаги жой номлари билан боғлиқ бўлган аҳоли пунктларига мисоллар келтирин.
20. Микротопонимика деганда нимани тушунасиз?

Манба ва адабиётлар:

Каримов И. А. Втан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. «Ўзбекистон» 1996 йил.

А.Набиев. «Тарихий улқашунослик » Т. 79

С.Кориев географик номлар маъносини биласизми? Т.70

З.Чориев. «Тарих атамаларининг тушунчаси» изоли лугат. Т.99.

Мавзу 9-10: Ўлка тарихини урганишда архив ҳужжатларининг роли.

Реха:

- 1. Ўлкашуносликни ривожлантиришда архившунослик-нинг урни**
- 2. Муассаса ва давлат архивлари.**
- 3. Ўзбекистон марказий давлат архиви.**

Ўлка тарихини урганишда археология, этнография, ёзма ва моддий маданият ёдгорликлари билан бир қаторда архившунослик, яъни архив ҳужжатларидан фойдаланишнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Архив ҳужжатларини кидириб топиш, улар устида ишлаш ва олинган маълумотларни ҳаётга тадбиқ қилиш бу жуда мураккаб ишдир. Архивда ташкилотлар, муассасалар, корхоналар, колхоз, сов-хозлар, айрим шахсларнинг қўйилган фаолиятлари ҳақида маълумот ва ҳужжатлар сақланади.

Ўлка материалларидан ва унинг асосий манбалардан бири бўлган архив ҳужжатларидан фойдаланиш методикаси билан шугулланиш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Архив ишларини урганиш мактаб ва Олий укув юртларида жонажон ватанимиз тарихидан уқилаётган лекция ва семинар маш-гулотларида фактик материал бўлиб хизмат қилади ва мактаб улқашунослик музейини ташкил қилишда ёрдам беради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон республикасида жуда қўй архивлар мавжуд бўлиб, уларни шартли равишда 2 гуруҳга бўлиш мумкин: муасса архивлари ва давлат архивлари. Республикамиз ҳудудида фаолият қурсатаётган марказий ва маҳаллий бошқарув органлари (вазирликлар, ҳокимиятлар ва бошқалар) турли ташкилотлар, корхона ва жамоат ташкилотлари ҳақида жорий архивлар мавжуд.бундай архивлар муассаса архивлари деб аталади. Муассаса архивларида ҳужжатлар маълум муддат сақланади. Шу боисдан бу архивларда сақланаётган ҳужжатларнинг таркиби узғариб туради. Белгиланган муддатдан сўнг муассаса архивларидаги ҳужжатлар давлат архивлари фондларига топширилади. Муассаса архивлари-нинг фаолияти, бу архивларда сақланаётган ҳужжатларнинг давлат архивларига топшириш тартиби тегишли низомлар асосида амалга оширилади. Муассаса архивларида ҳужжатлар турли муддатлар давомида сақланади. Ҳужжатларнинг сақланиши мазкур муассасалр фаолияти билан боғлиқдир.

Давлат архивлари шахобчалари республиканинг маъмурий ту-зилиши низомида ташкил қилинган. Республика давлат архивлари тизисмига қўйидаги архивлар қиради.

1. Қорақалпоғистон республикаси ва вилоятлар давлат архивлари ҳамда уларнинг жойлардаги органлари.
2. Республика марказий давлат архивлари.

Ҳозирги кунда қорақалпоғистон республикаси Марказий Давлат архиви, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхандарё, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари Давлат архивлари ҳамда тошкнт шаҳар давлат архиви мавжуд. Жойларда уларнинг филиаллари фаолият қурсатиб келмоқда. Фарғона вилоят давлат архиви фондлари, Фарғона вилояти ва Фарғона шаҳар тарихини қисман бир вақтлар Фарғона вилоят таркибига қирган Адиджон ва Наманган вилоятлари тарихини ақс эттиради. Маргилон ва Кукон шаҳарларида Фарғона вилоят давлат архивнинг органлари фаолият қурсатмоқда. Республика марказий давлат архивлари тизимига қўйидаги учта архив қиради.

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви.
2. Ўзбекистон Республикаси илмий техникавий ва медицина ҳужжатлари марказий давлат архиви (1962 йилда ташкил этилган).
3. Ўзбекистон Республикаси кинофотофоно ҳужжатлар марказий давлат архиви (1943 йилда ташкил этилган)

Тошкентдаги Ўзбекистон Республикаси МДА сакланаётган киммат баҳо ҳужжатларнинг сони ва моҳияти жихатидан Урта Осиё республикалари МДА ичида энг йиригидир. Унда 19 асрнинг иккинчи яримидан бошлаб то ҳозирги кунимизгача булган жуда кўп сонли ҳужжатлар сакланмоқда. Архивда Туркистон генерал губернаторлигига қарашли ҳозирги Ўзбекистон, Туркменистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Қозғистон тереториясидаги вилоят-лар уездлар, волостлар муассаса ва қорхона ҳамда ҳамда ташкилотларнинг тарихий фаолиятларига доир барча ҳужжатлар манашу марказий архивда мужассамлаштилади. Бу ҳужжатларда Туркистон-да қор ҳуқуқматининг олиб қорган мустамлақачилик сиёсати, Урта Осиё халқларнинг социал иқтисодий аҳоли тарихи ҳақида маълумотлар учрайди. Архивда туркистон улқасидаги қор ҳуқуқматининг маълумий ташкилотлари фаолиятига доир ҳужжатлар тулалигича сакланиб турибди. Академик В. В. Бартоловнинг айтишича босиб олинган жойлардаги ҳонлиқларнинг қутубхоналари ва архив ҳужжатларни саклаб қилиш учун ҳеч қандай тадбирлар қорилмаган. Улар Урта Осиё халқларининг маданият ва тарихий ёдғорлиқларини саклаб қилишга етарли аҳамият борманлар. XIX асрнинг бошларидан олдинги архив фондлари сакланаётган ҳужжатлар учун тузилаётган қурсатқич 8 бўлимдан иборат.

1. Давлат маълумий бошқарув органлари деб аталади.
2. Ўз-ўзини бошқариш ташкилотлари ва олий мартабали муассасалар деб номланган, унда Тошкент шаҳар думаси, шаҳар бошқармаси шаҳар умумий ҳужалик бошқармаси, Самарқанд ва Янги Марғилон ҳужалик бошқармаси ва тошкент мешчанлар оксоқоллар, ташкилотларга доир ҳужжатлар марказий архивнинг 718, 37, 472, 473, 277, 286, 79 фондларига жойлашган.
3. Суд ва прокурор фондлари деб аталади. Бу бўлим ўз навбатида ўч бобдан яъни вилоят судлари, округ судлари ва ўезд судларидан иборат. Суд ижросини жанжалли ишлар комиссияси халқ судлари қозилар натаруслар ҳақидаги ҳужжатлар бўлиб, ўлар 127, 134, 353, 178, 122, 504, 592, 593, 129, 133, 128, 132, 318, 130, 131, 278, 350, 150, 50- фондларида сакланмоқда.
4. -бўлим Ҳужалик иқтисодий ташкилотлар, муассасалар ва қорхона-лар деб аталади. У етти бобдан иборатди.
- 5.-бўлим «Илмий ва маданият муассаса ва ташкилотлар» деб номланган.
- 6.-бўлим «Жамоа ташкилотлари» деб номланган ва бу бўлимги тегишли ҳужжатлар 596, 27, 81, 268, 611, 34, 8, 595, 76, 490, 279-фондларида сакланмоқда.
- 7-бўлим «Диний назорат фонди» деб номланган ва бу ҳақдаги маълумотлар, архивнинг 182, 85 фондларида сакланмоқда.
- 8-бўлимни «Қартотекалар ва адабиётлар» ташкил этади

Ўлкашуносликнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланган архившунослик Ватан тарихини, шу жумладан ўз ўлкасининг тари-ҳини ҳар томонлама ва қуқур урганишда талабаларга қатта ёрдам бера-ди.

Шуни тақидлаб ўтиш қаракки республикамизнинг ҳамма туман ва вилоятларида давлат архивлари мавжуд, район архивлари ўз қули остидаги барча муассаса ва ташкилотлардаги давлат аҳамия-тига эга булган ҳужжатларни йиғиб олади ва маълум муддатдан сунг ВДА ларига, ўлар эса ўз навбатида республика давлат архивларига ёки бошқарманинг вазирлиқларига ўлар ҳам ўз навбатида бир қанча муддат саклаганларидан сунг, ЎзРМДА нинг қонун қоидаларига риоя қилган ҳолда ҳужжатларни тайёрлаб, сунг ЎзРМДА га топширади. Ўзбекистон ЎзРМДАдаги ҳужжатлар ўз аҳамиятига қараб бир ўмр ё бир неча йил сакланади ёки ёкиб ташланади.

Таянч иборалар:

- | | |
|---------------------|----------------------|
| 1. Архившунослик | 5.Муассаса архивлари |
| 2. Давлат Архивлари | 6. Ўезд |
| 3. Волост | 7. Фонд |
| 4. Бўлим | 8. Ақт. |

Назорат ўчун саволлар:

1. Ўлкашуносликни ривожлантиришда архившуносликнинг ўрни қандай?
2. Муассаса архивлари деганда қандай архивлари тушунасиз?
3. Давлат архивларида қандай ҳужжатлар сакланади?
4. ЎзРМДА қачон ташкил топган?
5. Ҳужжатларни саклаш қандай тартибда амалга оширилади?
6. Архивда қандай ҳужжатлар сакланади?
7. Архив ишларини урганиш қандай аҳамиятга эга?
8. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган архивлар ҳақида маълумот беринг.
9. Архивларни шартли равишда нечта гуруҳга бўлиш мумкин?
10. Фарғона вилояти Давлат архиви фаолияти ҳақида гапи-ринг.
11. Ўзбекистон Республикаси илмий-техникавий ва медицина ҳужжатлари Марказий Давлат Архив қачон ташкил этилган?
12. Ўзбекистон Республикаси Кинофотофоно ҳужжатлари Марказий Давлат Архиви қачон ташкил этилган?

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Ўзбекистон Республикаси фондларида сақланаётган хужжатлар турисида маълумот беринг.
14. Район архивларида қандай хужжалар сақланади?
15. Вилоят Давлат архивларида қандай хужжатлар сақланади?
16. Хужжатларни сақлашда нималарга эътибор берилади?
17. Шаҳар ёки районингиздаги архивлар ҳақида маълумот бериңг.
18. Архив фонди деганда нимани тушунасиз?
19. Архив булимлари ҳақида маълумот беринг.
20. Акт нима?

Манба ва адабиётлар:

1. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Тошкент «Ўзбекистон» 1996 йил.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон истиклол ва тараққиёт йули. Тошкент «Ўзбекистон» 1992 йил.
3. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент. «Ўзбекистон» 1996 йил.
4. Набиев А. “тарихий улқашунослик ” Т. 1979й
5. “Фарғона вилоят улқашунослиги” Ф. 97й.

Мавзу 11-12: Музей экспонатларини улка тарихини урганишдаги урни.

Режа:

- 1. Музейларнинг ташкил топиши тарихи.**
- 2. Музей типлари.**
- 3. М.Т.Ойбек номли Ўзбекистон халклари тарихи музейи.**
- 4. Фаргона улкашунослик музейи.**

Улкашунослик манбалари орасида хақикий илмий ва маданий оқаттув муассасага айланиб қолган музейнинг урни ва ахамияти бениҳоя каттадир. УЛКА моддий ва маънавий маданий ёдгорликларни археологик томонидан материалларини йиғади, уларни таҳлил қилади ва натижаларини экспедиция жихатидан оммалаштиради.

Йиғилган музейларда сақланаётган барча материаллар музейни илмий базасини ташкил этади ва улар музейни ижодий фаолиятида асос бўлиб хизмат қилади. Мана шу илмий ҳаУзРМДА маданий оқартув таълим тарбия ишларини олиб боради.

М.Т.Ойбек номли Ўзбекистон халклари тарихи музейи Туркистоннинг машҳур олимлари ва оммавий арбоблар ҳаракати билан ва бевосита раҳбарлиги ва ёрдамида 1876 йилда ташкил этилган.

Ўзбекистон маданият ва санъат тарихий музейи 1896 йил 21 июнда Самарқанд шаҳрида очилган. Музей 1911 йилгача Самарқанд статистика ССО музейи, 1918 йилгача Самарқанд шаҳар музейи, 1930 йилгача Самарқанд вилоят музейи, сунгра Ўзбекистон марказий давлат музейи, 1930-37 йилларгача Самарқанд вилоят тарихий улкашунослик музейи, 1937-45 йилларда ўзбек халқи маданияти республика музейи деб ном олган.

Ўзбекистон маданият ва санъат тарихи республика музейи (1955 йил) деб номланган музейга 1968 йилда А.Иқромов номи берилди. Музейда ўзбек халқини энг қадимги даврдан то ҳозирги кунгача бўлган маданияти ҳақида ҳикоя қилувчи нодир экспонатлар бор.

Ўзбекистон ДСМ 1988 йил апрелда Урта Осиёда илк ташкил этилган бадиий музей бўлиб, тошкентда яшаган князь Н.К.Романовнинг саройдаги шахсий коллекцияси заминида вужудга келган, дастлаб халқ университети музейи, кейинроқ Тошкент марказий бадиий музейи деб номланган.

Музей фондининг катта қисмини Ўзбекистон тасвирий санъати асарлари ташкил қилади. Шунингдек, музейда Россия, Италия, Испания, Германия, Нидерландия, Финляндия, Голландия, Франция, Англия рассомлик санъати асарлари, ҳайкалтарошлик, графика, амалий санъат намуналари қаторида Шарқ санъати (Ҳинд, Япон, Ҳитой, Вьетнам) намуналари ҳам бор.

Ўзбекистон табиат музейи 1876 йил 12 июлда ойида очилган. 1918 йилга қадар Тошкент музейи, 1921 йилгача Туркистон халқ музейи, 1922 йилгача Урта Осиё музейи, 1935 йилгача Урта Осиё табиат музейи деб аталган. 1935 йил июндан ҳозирги номи билан аталади. Зоология, ботаника, геология ва маданий оқартув бўлимлари бор. Музейда 400 мингдан ортиқ экспонат сақланади. 1979 йилдан музей улкашунослик ва музейшунослик масалалари бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боради. Республикамиз териториясида 3 хил типдаги музейлар мавжуд бўлиб, биринчи типдаги музейларга илмий тадқиқот, маданий оқартув ишлари олиб борадиган музейлар қиради. Улар бир вақтнинг ўзида тадқиқот ва маданий оқартув ҳаУзРМДА таълим тарбиявий ишларни олиб боради.

Иккинчи типдаги музейларга фақат бир ёклама бўйича илмий тадқиқот олиб борадиган, музей лабораторияларига эга бўлган махсус музейлар (УзФА қошидаги Батерология ва минералогия институти) қиради.

Учинчи типдаги музейларга фақат укув типдаги музейлар қиради. Бу музейнинг асосий мақсади укув жараёнини яхшилашдан иборат. Музей типлари қуп жихатдан унда сақланаётган коллекция фондларининг ҳарактерига ва улар фаолиятининг йуналишига боғлиқдир.

Шунингдек, турли фан соҳаларига тегиш ли бўлган музейлар ҳам бор. Б музейлар орасиди қупроқ маълум бўлганлари ёки фақат уша соҳа мутахассисларига равшан бўлган маълум тармокни акс этирувчи музейлар ҳам мавжуд.

1876 йил 12 июлда А. П. Фельменко, В. Ф. Ошанин, Л. А. Маев қаби рус олимлари ташаббуси билан Урта Осиёдаги энг кекса илмий ва маданий оқартув муассасаларидан бири М. Т. Ойбек номидаги Ўзбекистон халклари тарихи музейи очилди. Дастлаб Туркистон улқаси табиати, зоологияси, ер ости бойликлари ҳаУзРМДА халклари этнографиясига оид рус ва ўзбек коллекционерлари туплаган коллекциялардан ташкил топган. 1883 йилда музей халқ кутубхонаси билан бирлаштирилди. 1918 йил 1 июлдан бошлаб музей халқ кутубхонасига айлантирилди. 1970 йил музейга М. Т. Ойбек номи берилди. 15000 дан ортиқ экспонат, музей кутубхонасида 16000 дан ортиқ асар сақланади.

Музей бўлимларидаги экспонатлар 1890 йил Туркистон кишлок хужалиги курғазмасида, 1900 йили Париж халқаро курғазмасида намоиш этилган. Музейнинг этнография коллекцияси 1906 йилда Милан халқаро курғазмасига юборилди. Музей археология ҳарактердаги 54 мингдан ортиқ предметка, 50 минг танга, медал белгиларидан иборат бўлган нумизматика, этнография бўйича 12 минг экспонатдан иборат фондларга эга. Музей фақат Ўзбекистонгагина эмас, балки турли даврларда Туркистон улқаси тарқибида бўлган Туркистон, Тожикистон, Қирғизистонга оид материаллар ҳам сақланади.

Музейда асосан материалларнинг асл нусхалари, шунингдек, бадий ва график тасвирлар, диаграммалар, расмлар куйилган экспонатлар орасида ноёб нарсаларкуп. Музей 1967 йилда XIX асрнинг ёдгорликларидан бири ҳисобланган бинога кучди.

Музей материаллари улкамиздаги қадим замонларда яратилган энг ноёб ёдгорликлар ва кейинги даврларда қулга киритилган ва энг ноёб ёдгорликлар ва кейинги даврларда қулга киритилган муваффақиятларни намоиш қилиш, кенг меҳнаткаш оммани, шу жумладан уқувчи ва талабаларни ватанпарварлик руҳда тарбиялаш ишга хизмат қилади.

Фаргона улқашунослик музейи 1899 йил 26 майда очилган. Музей ташкил топишида Фарғонадаги биринчи қишлоқ ҳужалик ва саноат қурғазмаси 1894 йил экспонатлари аос бўлган. Музейда табиат, тарих бўлими ва кутубхона бор. Унда Фарғона водийси тарихи, Флора ва Фаунаси, археология ва этнографияси, халқнинг моддий ва маънавий ҳаётини акс эттирувчи экспонат сақланади. Музей қошидаги қучма музей қишлоқ аҳолисига хизмат қилади. Ҳамзаобод қишлоғида Х. Х. Ниёзий, ҳаУзРМДА Фарғона ноҳиясининг Қаптархона қишлоғидаги У. Юсупов мемориал музейлари Фарғона улқашунослик музейининг филиалидир. Музей ходимлари илмий тадқиқот ишлари билан шугулланади.

Ёдгорликлар мафқура ишининг таъсирчан воситасидир. Бу ёдгорликлар қуз унгимизда, уларни истаган вақтда бориб қуриш мумкин, бинобарин, ҳар бир ёрдоғорлик туғрисида ҳамқорлик қилиниши, унга эътибор берилиши, у яхши ҳолатда сақланиши лозим. Бу ишга қуқрок мактабларда улқашунослик ишини олиб борувчи раҳбар, тарих, география уқитувчилари жалб қилинмоғи зарур.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

- | | |
|------------------------|---------------------------|
| 1. Экспозиция | 5. Музейнинг илмий базаси |
| 2. Статистика комитети | 6. Музей типлари |
| 3. Коллекция | 7. Экспонат |
| 4. Санъат қурғазмаси | |

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Музейларнинг вазифаси нимадан иборат?
2. Ўзбекистон халқлари тарихи музейи қачон ташкил топди?
3. Музей. типлари қандай соҳаларга бўлинади?
4. Фарғона улқашунослик музейи ненча бўлиУзРМДАН иборат?
5. Музей экспонатларининг улқа тарихини урганишдаги урни ва ролини қурсатиб беринг.
6. Ўзбекистон Давлат санъат музейида қандай санъат асарлари сақланади?
7. Музей материалларини урганиш қандай аҳамиятга эга?
8. Фарғона улқашунос музейининг қандай филиаллари мавжуд?
9. Коллекция деганда нимани тушунаси?
10. Фарғона вилоятидаги қандай музейларни биласиз?
11. Ўзбекистон Давлат санъат музейи қандай вужудга келган?
12. Ўзбекистон табиат музейи турли йилларда қандай номлар билан аталган?
13. Республикамиз ҳудудида қандай типдаги музейлар мавжуд?
14. Ўзбекистон халқлари тарихи музейига қачон М. Т. Ойбек номи берилди?
15. Музей бўлимларидаги экспонатлар қандай халқаро қурғазма ва ярмаркаларда намоиш этилган?
16. Фарғона улқашунослик музейини ташкил топиши қайси воқеа муҳим роль уйнайди?
17. Ёдгорликларни сақлаш ишларига қимларин жалб қилиш мумкин?
18. Музейнинг илмий базасини нималар ташкил этади?
19. Ўзбекистон халқлар тарихи музейи қачон очилди?
20. Санъат қурғазмаси деганда нимани тушунаси?
- 21.

АДАБИЁТЛАР:

1. Қаримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафқура. Тошкент «Ўзбекистон» 1996 йил.
2. Қаримов И. А. Ўзбекистоннинг уз истиқлол ва таракқиёт йули. Тошкент «Ўзбекистон» 1992 йил.
3. Глесс Ю. И, Ланда Л. М. «Музей Ўзбекистана» Тошкент. 1961 г.
4. Жураев Н. «Ағар огоҳсен» Тошкент «Ёзувчи» 1908 йил.
5. Набиев А. «Тарихий улқашунослик» Тошкент «Уқитув-чи» 1979 йил.
6. «Мустиқил изохли илмий оммабоп лугат» тошкент. «Шарқ» 1998 йил.

13-14 мавзу. Мактаб музейини ташкил этиш.

Режа:

1. Мактаб музейини вазифалари.
2. Мактаб музейини ташкил этиш.
3. Мактаб музейи фондлари.

Мактаб музейи ёшлар олдига куйдаги энг мухим вазифаларни жамият ҳаёти ва халқ турмушидаги энг мухим тарихий воқеаларни, давлат арбоблари, сиёсий, ҳарбий арбобларининг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган бинолар, иншоотлар, эсталик жойларини уз зиммасига боғлаб урганишни; шунингдек археология ёдгорликлари: кухна шаҳарлар, кургонлар, калалар, қадимий манзилгоҳлар, истехк-омлар, корхоналар, каналлар, йулар, қадимги дафн жойлар мазор-ларни, тош ҳайкаллар қоядаги тасвирларни, қадимий нарсаларни уз она жойига боғлаб урганишни: учинчидан архетиктура комплекс-лари, тарихий марказлар, кварталлар, майдонлар, кучалар, шаҳарлар ва бошқа аҳоли яшайдигон пунктларни қадимий тузилиши ва қури-лиши: туртинчидан санъат ёдгорликлари-монументлар, тас вирий амалий декоратив ва бошқа турдаги санъат асарлари: бешинчидан, ёдгорлик ҳужжатлари давлат ҳокимият органлари ва давлат бошқарув органлари актлари, бошқа ёзма ва график ҳужжатлар ва товуш ёзувлар, шунингдек қадими ва бошқа қул ёзмалар ҳаУзРМДА архивлар, фальклор ва мусика ёзувлари ва шу қаби нодир материалларини излаб топиш, урганиш ва умумлаштириш вазифаларини қуяди.

Мактаб музей олдига жуда катта ва улкан вазифалар қуйилган бўлсада, халқ ва давлат музейларидан узиға хос хусусиятлари билан фарқ қилади. Биринчидан, мактаб музейи укувчилар учун мулжулланган, иккинчидан, бу музей мактаб педагогика жамоаси, укувчилар томонидан йигилган материаллар асосида ташкил этилган. Учинчидан, музейда факат юксак тарбиявий максаддагина эмас, балки таълим жараёнида ҳам унумли фойдаланиш мумкин.

Мактаб музейи илмий қийматга солинган, барча материллар тупланиб, намоиш қилишга тайёрланган, тарих ва маданият ёдгорликларининг иложи бори ча асл нусхасини ёки ҳар-хил воситалар ёрдамида қучирма нусха олиб, улқашуносликнинг манбалари бирига даврлаштирилиб қуйиладиган, мактаб жамоаси, укувчилар ҳаУзРМДА уша территорияда яшайдиган маҳаллий аҳолига мулжалланган кичик бмир бошланғич илмий маданий муасаса дир.

Мактаб музей ташкил этиш учун қуйдаги ташкилий ишларни амалга ошириш лозим: музей соҳаси мактаб педагогика советида муҳокама қилиниб унга раҳбар таяланади. Музей ташкил қилиш масаласи юкори синиф укувчилари йигилишларида муҳокама қилинади.

Қупинча улқашунослик тугараги аъзолари ишнинг ташаббус-қори бўлиб улар тарих ва улқашунослик бўйича ташкил қилинган экскурсия, паход ва экспедициялардан тупланган қоллекциялари, археологик, этнографик материалларни мактаб музейига экспонат сифатида топширади. Бу материллар музей фондиға айланди. Музей совети ҳар йили сайланади. Унинг составида 10-13 қишидан иборат факат аъло укыйдиган ва шу ишға жуда қизикадиган жамоатчи аъзоси булади. Булар уртасида ишлар қуйдагича тақсим қилинади.

1. Музей совети раиси. У укитувчиларни бевосита раҳбарлиғида советни иш планини тузади, планға асосан ишларни тақсим қилади. Советининг ташкилий масалаларини ҳал қиладиган материаллар туплаш, экспозиция тузиш, музейдаги навбатчилик графигшини тузиш билан бу ишларни қузатади.
2. Музейни бош сакловчиси. У музейдаги барча материллар ва екпонатларни сакланишиға урни-урниға қуйилишиға жавоб беради. Музей материалларини ҳисобға олиш дафтарини юритади ва музей материалларини асл нусхаларига қарточкалар тузади.
3. Музей советининг секретари. У экскурсия, паходлар ва екпедиция ишларини якуниға бағишлаб утқазиладиган ва музейдаги барча ишлар бу йича утқазиладиган йигилишлар қарорларни мунтазам равишда ёзиб боради. Барча олиб қорилган ишларни учотға олиб боради.
4. Музей совети аъзолари. Улар экспозиция тузишға, материаллар тузишға, экспозицияларни безаш ишларига жавобқар шахслар тайинланади. Бундан ташқари совет аъзолари музейға материллар йигиш, екпедиция ва паходлар уюштириш, музейшуносликка оид бўлган адабиётларни уқиш улқашунослик қодимлари ва қоллекционерлари билан суҳбатлар, учрашувлар утқазиш аниқ ишларни тузиб қиқади.

Музей совети қиянқоқда қойлашган район ва область улқашунослик музейи қодимларидан экспозицияларни тугри ва илмий равишджа урганиш ва қойлаштириш улардан доимо қансультация олиб туришлари қерак.

Мактаб музейи узининг асосий фондидан бўлган материллар ҳақида улқашунослик музейларига қуйдаги формада маълумот бериб туриш қерак:

1. Музейдаги топилмаларни тартиб нумери.
2. Экспонатларни ивентар нумери.
3. Топилмаларни номи.
4. Топилмалар топилган қойи.
5. Топилмани қим томонидан топилиб музейға қим томонидан топширилгани.

Музей советини асосий вазифаларидан яна ибри укувчиларни музей ишига доимий активлигининг оширишдан яъни материал туплаш, экспозиция тайёрлаш, музей безаш, навбатчилик килиш кабилардан иборат.

Мактаб музейи фондига куйдагилар, яъни: таритхий ва маданий ёдгорликларни ёки топилмаларни асл нусхалари, моддий топилмалар, ёзма тарихий манбалар, тасвирий санъат ёдгорликлари моддий ва манавий этнографик ва топонимик материалларни уз ичига олган материаллар: район ва область улкашунослик музейларида мавжуд экспонатларидан кучирмалар, нусхалар, фотосуратлар, хар-хил материаллардан ушанга ухшатиб ямаш ёки расмларини чизиб олиш ва уларни ҳам музейга таритби билан жойлаштириш каби ишлар киради.

Мактаб музейини доимо материаллар билан бойитиш мақсади-да куйдаги ишлар амалга оширилади: урганилаётган соҳа бўйича мунтазам материал йиғиб бориш: унинг учун системали равишда экскурсия ва паҳодлар экспедиция уюштириб бориш: музей материалларини бойитиш мақсадида аҳоли кулидаги мавжуд топилмаларни йиғиб олиш ва уларни ҳам бу ишга жалб килиш зарур. Мактаб музейи фонди булимларга бўлиб куйилса мақсадга мувофиқ булади. Асосий булимлардан олдин мактаб музейи тарихи хақида ва уни ташкил килиш тугрисида куйдаги экспонатларни сони ва ундан укун чилар воя укитув чила уз фаолиятларида кандай кулланилаётганликлари тугрисида кискача таъриф берилади сунг асосий булимларга ва уларда жойлаштирилган асосий материалларга тариф бериш бошланади.

1. Булим: “Ибтидоий жамоа ва кулдорлик жамияти” деб номланади.
2. Булим: “Феодализм даври”, деиб номланади ва бу булимга феодализм даврига яратилган тарихий ва маданий ёдгорликлари фото суратлари макетлари куйса ҳам булади. Уша даврга доир танга-чака пуллардан намуналар куйиши мумкин.
3. Булим: “Улкамиз чор Россияси даврида”
4. “Мустиқл жонажон улкам” деиб номланиши мумкин.

Хузулоса киладиган булсак мактаб музейи экспонатлари билан бойитса, хақиқий музей га айланади ва мактабнинг таълим тарбия ишларига кушаётган хиссаси янада ошади.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

- | | |
|-----------------------------------|---------------------------|
| 1. Ансанбль. | 6. Монументлар. |
| 2. Декоратив. | 7. Музей фонди. |
| 3. Музей кенгаши раиси. | 8.Музейни бош сакловчиси. |
| 4. Экспозиция. | 9. Экспедиция. |
| 5. Экспонатларни ивентарь номери. | |

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Мактаб музейини вазифалари нималардан иборат?
2. Мактаб музейни ташкил этиш учун кандай ташкилий ишларни амалга ошириш мумкин?
3. Мактаб музейи советини раисини вази фаси нималардан иборат?
4. Музей фонди деганда нимани тушунаси?
5. Мактаб музейини ташкил этишни ахамияти нимада?
6. Мактаб музейи давлат ва халк музейларидан кайси хусусиятлари билан фарк килади?
7. Мактаб музейи бош сакловчисининг вазифаси нимадан иборат?
8. Мактаб музейининг фонди кандай ташкил этилади?
9. Мактаб музейи фондидаги материаллар хақида улкашунослик музейига кандай формада маълумот бериб турилади?
10. Мактаб музейи булимлари кандай ташкил этилиши мумкин?
11. Мактаб музейи таълим тарбий ишларини ривожлантиришдаги роли ва урни?
12. Мактабнингизда музей ташкил этилганми? Этилган булса унинг фаолияти хақида гапириб бериш?

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Каримов А. “Тарихий хотирасиз келажоги йук” Тошкент. “Шарк” 1998 йил.
2. Бекмухаммедов. “Тарих терминлари изохли лугати” Тошкент “Укитувчи” 1978 йил.
3. Набиев. А. “Тарихий ва улкашунослик” Тошкент “Укиту-вчи” 1998 йил.

1. Улқшунослик тугарагини ташкил этиш.
2. Тугаракнинг иш режаси.
3. Улқшунослик тугарагининг иш фаолияти.

Укув тарбия ишларининг савиясини бугунги кунда юксак талабалар даражасига кутаришга улқашунослик тугараги катта аҳамиятга эга. Тарихий улқашунослик тугараклари ва музейларнинг урта ва олий юртлари тарих факультетлари қошида ташкил этилиши ва бу ишга мактаб уқитувчилари жамоаси, ёшлар ва ота-оналар кумитаси ҳам ўзРМДА талабаларнинг кенг жамоатчилигининг жалб этилиши унинг ишларини яхши йўлга қуйишга ёрдам беради. Мактабда улқашунослик тугарагини ташкил этиш уқувчиларнинг ўз улқаларини чуқур урганишларига катта ёрдам беради. Улқашунослик тугарагини ташкил этишдан олдин ана шу муҳим ва мураккаб ишга раҳбарлик қила оладиган, улқашунослик ишини чин қонгилдан севадиган ва бу соҳада етарли билим ва малакага эга бўлган мутахассисдан раҳбар танлаш ва уни мактаб уқитувчилар кенгашида тасдиқлаб олиш зарур. Улқашунослик тугарагининг раҳбари энг аввало улқашунослик ва нималани урганади, улқашуносликнинг манбалари, объектлари турлари унинг ривожланиш тарихи, илмий, назарий ва услубий асосларини жуда яхши тушуниши ва билиши керак. Бинобарин, ана шуларни урганиб олмасдан туриб бирон натижага эришиб бўлмайди.

Улқашунослик тугараги иши унинг қуйдаги асосий манбаларини урганишдан бошланади:

- А) Улқашунослик ҳақида қисқача маълумот.
- Б) Улқашуносликда археология, этнография ва топонимиканинг роли ва аҳамияти.
- С) Улқашуносликнинг асосий манбаларидан бири архившунослик, музей экспонатлари ҳақида батафсил сузлаб бериш.

Хуш, бу манбаларнинг ҳар бири қандай масалалар билан шугулланади? Демак, иш улқашуносликнинг биринчи манбаи «археология нима» деган саволдан бошланади.

Археология сузи латин тилидан олинган бўлиб «архайос»-қадимги «логос» фан дегани, яъни қадимшуносликни урганадиган фан маносини англатади. Дастлаб бу атамани миллрддан аввалги IV асрда Афлотун узининг «Гипсий диологида қадимги замон ҳақидаги фан сифатида тилга олган. Бу фан Европада анча қадим ўзРМДА ривожланиб келган, рус археологияси ҳам узининг тарихига эга. Урта Осиё Россия томонидан босиб олинган, Урта Осиё шу жумладан Ўзбекистон ҳудудида ҳам Шарқшунос олимлар, хаваскор археологларнинг олиб борган бу оҳадаги ишлари билан таништирилади. Сунг бошқа фанлар қатори археология фани ҳам кейинги даврда ривожланганлиги, Ўзбекистон археологиясининг вужудга келишида, ривожланишида рус шарқшуносларининг курсатган хизматлари, маҳаллий археологларнинг олиб борган ишлари ҳозирги кундаги ўзбек археологларининг улкан ютуқлари қаторида тугарак раҳбари батафсил гапириб беради. Археологлар урганадиган предмет, объектлари ҳақида тушунча беради. Сунг, археологияга яқин ва уни аниқлаб ёрдам берадиган фанлар устида тўхталади.

Улқашуносликнинг иккинчи манбаи этнография бўлиб, у утмишда ва ҳозирда халқимизнинг миллий хусусиятлари, урф-одатлари, маданиятига доир маълумотларни, ҳам ўзРМДА миллиятларни келиб чиқишига, уларнинг моддий ва маънавий маданиятини устиб боришига доир материалларни урганади.

Улка тарихини урганишнинг яна бир асосий манбаи топонимикадир. Топонимика қандай масалаларни урганади деган савол тугилиши табиий. Топонимика ҳам латин тилидан олинган бўлиб, икки сузнинг бирикмасидан ташкил топган. Яъни, “topos” жой, “onoma” ном, демак жойнинг номи урганиладиган фан деган маънони билдиради. Греklar бу фанни «ер тили» ҳам деб атайдилар.

Топонимика қишлоқ, туман, шаҳарларнинг номларини иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар замирида урганади. Уқитувчи раҳбар топонимика ҳақида гапирётганда уни бевосита тилшуносликка оид бўлган ва топонимлар деб ҳисобланган қуйдаги терминлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш зарур, тушунки уқувчилар материал йиғиш жараёнида мана шундай терминларга ҳам эътибор берадиган бўладилар. Масалан антропоним сузи латинча суз бўлиб «антропо» одам, «онома» ном, қиши исми, лақаби фамилияси демакдир; Антропонимика қиши исмларини урганадиган фан. Гидроним грекча «гидро» сув «онома» ном сув объектларининг масалан, канал, ариқ, анхор, дарё, сой, булок, денгиз, қул, шаршараларнинг номларини урганади.

Диминутив латинча суз бўлиб. Қичрайтирилган шаклдан топоним ясашишдир. Ўзбекистон –ча ва –ақ, баъзан –ик аффикслари диминутив шаклдаги топонимлар ясади. Бундай топонимлардан отлардан (Хисорак, Хумдонак), сифатлардан (Қукча, Қорача, Сарича), этнонимлардан (Дурмонча, Намонча) ясашиши мумкин.

Метатеза –латин тилида метатиз – жой алмаштириш суздаги товушларнинг урин алмашиши (Бешёғоч – Бечогош, Сайрам- Сар-юм).

Метафора – юнонча қучириш сузининг қучма маънода ишлатилиши (Туятош-Қаттақоя, Мингбулок-Қупбулок), этак- дарёнинг, тоғнинг этаги, сойнинг ёки одамнинг этаги.

Метонимия – юнонча қайта ном қуйиш. Топонимикада жой номининг қиши объект номига ўтиши, масалан, дарё номининг шаҳар номига ўтиши. (Зарафшон дарёси, Зарафшон шаҳри), дарё номининг тоғ номига ўтиши (Қуксув дарёси, Қуксув тизмаси), Ўзбекистонда метонимия ходисаси жуда кенг тарқалган.

Микротопонимия (юнонча – «микро» кичкина, «онома» - ном)кичик объектлар: булоқлар, далалар, тепалар, кучалар, ва хоказо; микротопонимия ва макротопонимия орасида муйён, фарк, чегара йук. Масалан, айрим олимлар кучаларни микротопонимлар деса, бошқа бировлари макротопонимлар дейди.

Полинимия (грекча «полис» - шаҳар, «ономо» ном) хутор, овул, кишлоқ, шаҳарча, станция, шаҳарларнинг номларини урганувчи фан.

Улкашунослик туграгининг асосий манбаларидан бири архив ҳужжатларидан фойдаланиш эканлигини туграк раҳбари яна бир бор аниқ далиллар билан тушунтиради.

Мактабда улкашунослик ишларини олиб бориш куйидагича бўлади:

Улкашуносликни ўзи иккига бўлинади: а) мактаб улкашунос-лиги; б) болалар туристик станциясига. Мактаб улкашунослиги дарсда ва дарсдан ташқарида амалга оширлади. Болалар туристик экскурсия станцияси экспедиция ва походлар уюштиради. Натижада дарсдан ташқари олиб борилган ҳаУзРМДА туристик экскурсия станциялари томонидан уюштирилган экспедиция ва туристик походларда тўпланган материаллар мактаб улкашунослик туграгида муҳофаза қилинади. Бунда раҳбар уқитувчи улкашунос-ликни барча манбалари билан ўз аъзоларини батафсил таништириши шарт. Тугаракка шу ишга астойдил кизикадиган тарих, география, инсон ва жамият, адабиёт ва бошқа фанлардан пухта билимга эга бўлган, синчиков, кидирувчан, изланувчан уқувчилар танлаб олиниши керак. Тугарак аъзолари билан обдон маслаҳатлашгандан сунг т угаракнинг ишчи режаси тузилади ва сбу режа уқитувчилар йиғилишида тасдиқланганлан сунггина тугарк раҳбари ўз аъзоларини ҳар бир соҳа бўйича қийнадиган ишлар характери билан таништириб, уларга йул йуриқлар курсатиши керак. Улкашунослик туграгининг иш режаси тахмнан куйидагича бўлиши мумкин:

1. Жамоа ва давлат ҳужалиги, кишлоқ, овул, район ёки вилоят тарихини урганиш;
2. Жамоа ва давлат ҳужалиги, овул, кишлоқ ва район тарихини ёритадиган фотоальбом, фотовитрина, стенг ва панна ташкил қилиш.
3. Тўпланган материаллар асосида жамоа ва давлат ҳужалиги, овул, кишлоқ, район шаҳар тарихини оммалаштирувчи маҳаллий матбуотдан фойдаланиш.
4. Барча тўпланган материалларни умумлаштириб, ўз улқасини тарихини яратиш.

Энди биринчи соҳамиз жамоа ва давлат ҳужалиги, овул, кишлоқ, район тарихини куйидагича гуруҳларга бўлиб урганиш мумкин:

а) Жамоа ва давлат ҳужалиги, овул, кишлоқ, район ҳудудидаги жой номларининг маъноси, қелиб чиқишини урганиш;

б) Худди шу ҳудудларда фаҳрий отахонлар ҳақида материаллар йиғиш.

в) Юқорида айтилган ҳудудлардаги шу ҳудуд тарихига оид тарихий ёдгорликларни сақлаш, топиш, урганиш ва улардан фойдаланиш.

г) Шу ҳудудларга оид қўлёзмалар, ёзма ҳужжатлар топиш;

Албатта, бу ишларни бажариш вақт йил давомида бўлади. Тугарак аъзоларининг хир бири муайян топшириқлар олишлари керак. Топшириқ бериш вақтида тугарак аъзоларини юқорида курсатиб утилган турт соҳа бўйича гуруҳларга билиш маъқул. Ҳар бир гуруҳ ўзига берилган соҳа бўйича иш режасини тузиб чиқиши керак ва бу улқшунослик туграгининг махсус кенгашида тасдиқлангандан кейин иш бошлаши зарур.

Соҳалар бўйича иш режалари куйидагича тузилиши мумкин:

1. Бириктирилган соҳанинг номи;
2. Қайси гуруҳга бириктирилган;
3. Ишни бажариш вақти;

Бириктирилган соҳалар:

1. Археологияга оид материаллар тўплаш;
2. Этнографияга оид маълумотлар йиғиш;
3. Топонимикага оид материаллар тўплаш ва уларни умумлаштириш;
4. Маҳаллий ҳужжатлар ёки архившунослик бўйича ёзма манбалар тўплаш ва уларни урганиш;
5. Вилоят, республика тарих музейлари экспонатларидан қўғирмалар, фотосуратлар ёки макетлар олиш.

Юқоридаги соҳаларнинг ҳар бирига биттадан гуруҳ бириктирилади ва улар ўз соҳалари бўйича материал йиғиштиришга қиришади. Ҳар бир соҳа бўйича иш олиб бо-рувчи гуруҳлар «Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш туграсида» ги қонунга асосла-нишлари керак.

«Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш туграсида» ги қонунни биринчи моддасига мувофиқ қуйидагилар тарих ва маданият ёдгорликлари жумласига қиради:

1. Тарихий ёдгорликларга – халқ турмушидаги энг муҳим тарихий воқеалар билан жамият ва давлатнинг ривож, миллий озодлик ҳаракати, иккинчи жаҳон уруши, ижтимоий техникавий қурилиш билан халқлар маданияти ва турмушининг ривож билан, атоқли, сиёсий, давлат ва ҳарбӣ арбобларининг, халқ қаҳраонларининг, фан ва санъат арбобларининг ҳаёти билан алоқадор бўлган иморатлар, иншоотлар, эсталик жойлар ва бошқалар қиради.

Археологияга оид ёдгорлилар кухна шаҳарлар, қалъалар, қургонлар, қадимий манзилгоҳлар, қадимий дафн жойлар, тош ҳайкаллар ва бошқалар қиради.

Санъат ёдгорликларига – монументал, тасвирий-аиалий-декоратив ва бошқа турдаги санъат асарлари қиради.

Ёзма ҳужжатларга давлат ва давлат бшқарув органларининг актлари, ёзма ҳужжатлар, кино, фотохужжатлар ва товуш ёзувлари, шунингдек қадимий ва бшқа кулёзмалар ҳаУзРМДА архивлар, мусика ёзувлари, ноидр босма нашрлар қиради.

Улкашуносдлик тугараги ишига иложи борица кишлоқ ёки мактаб ҳудудидаги қупчилик оммани жалб этиш мақсадга мувофик. Айниқса, этнография, топонимикага оид ва қадимий кулёзма қитоблар ва ҳужжатлар туплашда уша ҳудудда истикомат қилувчи қариялар суҳбутидан қупрок фойдаланиш лозим. Тугаракда муҳокама этилган ҳар бир масала мактабда уқитилаётган тарих, инсон ва ҷамият фанларининг олдиға қуйган юқсак талабларни амалға оширишда қатта ҳисса қушади ва уқувчиларнинг шу фанлардан олаётган билимларини муқтаҳкамлашға ва қенгайиришға ёрдам беради.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.

- | | |
|--|-----------------|
| 1. Улкашунослик тугараги. | 7. Нумизматика. |
| 2. Эпиграфика. | 8. Сфрагистика. |
| 3. Геральдика. | 9. Топонимика. |
| 4. Полис. | 10. Метафора. |
| 5. Метонимия. | |
| 6. Болалар туристик экскурсия станцияси. | |

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР.

1. Мактабда улкашунослик тугарагини ташкил этиш қандай аҳамиятға эға?
2. Улкашунослик тугарагига қимлар аъзо бўлиб қириши мумкин?
3. Улкашунослик тугарагининг манбалари?
4. Мактабда улкашунослик ишларининг олиб бориш қандай амалға оширилади?
5. Болалар туристик экскурсияларининг аҳамияти?
6. Мактаб улкашунослик тугарагига қим раҳбарлик қилади?
7. Улкашунослик тугарагининг иш режаси таҳминан қандай бўлиши мумкин?
8. Тугаракнинг ҳар бир гуруҳига иш режаси қандай тузилади?
9. Тугаракда археологияға оид материаллар туплаш қандай амалға оширилади?
10. Улкашунослик тугарагига қимлар жалб этилади?

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР.

1. Қаримов.И.А. «Ватан саждағох қабри мақаддасдир» Тошқент «Ўзбекистон» 1996 йил.
2. Набиев.А. «Тарихий улкашунослик».Тошқент «Ўқитувчи» 1996 йил.
3. Қодиров.С. «Географик» номлар маносини биласизми? Тошқент «Ўзбекистон» 1970 йил.
4. Ўзбекистон қарамлик ва муқтақиллик йилларидир.Тошқент. «Ўқитувчи» 1996 йил.
5. Чориев.З. «Тарих атамаларининг изоҳли лугати. Т